ilimpazlarımız miynetlerinde ayqın dálilin taptı. Olar óz miynetlerinde ósimliklerdiń mádeniy hám jabayı, tábiyiy, siyrek ushrasatuǵın, dárilik ósimliklerdi qollaniwshi organlar sistemasına qaray júrek-qan tamır, asqazan-ishek keselliklerinde, nerv, teri keselliklerinde paydalanılatúǵın dárilik ósimliklerdi keltirip ótti. Biz tómende solardıń dem alıw keselliklerinde qollanılıwshı ayrım mádeniy túrlerine toqtalıp ótemiz.

Túrpi-редька обыкновенная. Bir yamasa 2 jıllıq ósimlik bolıp biyikligi 60 smden asadı hám atanaq gúlliler tuqımlasına kiredi. Barlıq suwǵarılatuǵın jerlerde palız egini retinde ósiriledi. Aprel ayında gúlleydi miywesi iyun ayında pisedi.

Ximiyalıq qurılısı: tamır miywesinde xolin, alenin, pektozin, qant, orginin, trigonellik, rafanol, kristall zatları, yod, brom, xlor, vitamin B1, B2, B6, PP, C, A, uglevodlar, glyukozidler, azotlı ekstrakt zatlar, maylar, fitoncidler, diastaza, oksidaza, katalaza, fermentleri hám bakteriocidli aktiv lizocium zatı bar. Túrpiniń quramında kalciy, magniy, fosfor elementleri boladı.

Qollanılıwı: xalıq medicinasında túrpiniń shiresin siydik aydawshı, ót aydawshı, geyde dem qıspaǵa hám qaqıríq túsiriwshi dári retinde qollanıladı. Qaynatılıp pisirilgen túrpi jótelge em boladı.

Rediska-редис посевная Bir jıllıq yamasa eki jıllıq tamır miyweli bolıp onıń paqalınıń biyikligi 50-100 sm ge jetedi hám atanaq gúlliler tuqımlasına kiredi. Barlıq suwǵarmalı jerlerde palız egini retinde ósiriledi. Aprelde gúlleydi, iyunda tuqımları pise baslaydı.

Ximiyaliq qurılısı: bul ósimliktiń quramında 1,2 % azotlı, 0,7% mineral zatlar bar, jánede 0,8 % klichatkalar, efir mayları, fermentler, antibiotikler, tamır miywesinde 11,5-54 mg % askorbin kislotası, 4,4-8,6 % qurǵaq zatlar hám 0,5-4,8% qant bar. Bunnan basqada tamır miywesinde kóp muǵdarda uglevodlar, ekstraktlı azotlı zatlar, efir mayı, maylar, fitoncitler, vitamin B, C, A boladı.

Qollanılıwı: Rediskanıń efir mayınıń quramı bakterecidlik qásiyetke iye bolǵanlıqtan onıń shiresi xalıq medicinasında qaqırıq túsiriwshi, ót hám sidik aydawshı dári retinde qollanıladı. Kóbnese bronxitte, qaqırıq qıyın túsetuǵın jótellerde paydalanadı.

Alsha-Алича- Aǵash puta ósimligi bolıp, onıń biyikligi 3-6 metrden asadı hám roza gúlliler tuqımlasına kiredi. Respublikamızdıń baǵdarında ayırım xojalıqlarda azıq-awqat ushın kóplep ósiriledi. Nókiste Ózbekistan İlimler Akademiyasınıń Qaraqalpaqstan bóliminiń botanika baǵında kóp jıllardan berli ósirilmekte. Mart-aprel aylarında gúlleydi, iyul-avgustta miywesi pise baslaydı.

Ximiyalıq qurılısı: Alsha miywesinde 15% qant, 2,1% organikalıq kislotalar, 15 mg% vitamin C, 0,3% V 0,4 mg% PP, 55% karotin, ashshı zatlar menen birge kaliy, temir, marganec, mıs, kobalt elementleri bar. Tuqımında 30-40% may, sonday-aq emulsin hám amigdalin glyukozidleri boladı.

Qollanılıwı: Xalıq medicinasında alshadan tayarlanǵan qaynatpanı joqarı dem alıw jolları shamallap awırǵanda, miywesinen tayarlanǵan demlemeni ısıtpa bolǵanda deneniń temperaturasın tómen túsiriw ushın qollanadı.

Alshanıń qurǵatılǵan miywesiniń qaynatpası hám shiresi jótelge, isinip awırıwlarǵa qarsı dári retinde, hámde grippke, ótkir shań keselliklerine, kegirdek (tamaq) awırıwlarına jaqsı tásir etetuǵın dári retinde paydalanadı.

Juwmaqlap aytatuǵın bolsaq, bizler tiykarinan dem alíw keselliklerinde qollanílatuǵín Qaraqalpaqstan florasíndaǵı ayırım dárilik ósimliklerdi keltirip óttik. Keleshekte bul izertlewlerimizdi elede jetilistirip, farmacevtika sanááti ushın dárilik elementler retine xizmet etedi degen úmittemiz.

Paydalanılǵan ádebiyatlar:

1. Dáwletmuratov S.D.,Óteniyazov Q.O., XalmuratovP.X."Xaliq meditsinasinda qollanilatuǵin Qaraqalpaqstanniń madeniy ham jabayi osimlikleri". Nokis "bilim" 1992.

2. Eshmuratov R.A., Ajiev A.B. Qoraqalpog‘iston dorivor o‘simliklari. Monografiya. – Toshkent: «Tafakkur avlodi», 2020. – 72 b.

3. Xalmuratov P.,Toshmuxamedov R.I . "Qaraqalpaqstanniń darilik ósimlikleri" Nokis 2015.

EUPHORBIA SCLEROCYATHIUM НИНГ БОТАНИК ТАСНИФИ.

Ш.Б.Тамамбетова

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти


Euphorbia L. туркуми Euphorbiaceae Juss.оиласига мансуб бўлиб, унинг 2 мингга яқин тури бор ва гулли ўсимликлар орасида турлар сони бўйича энг йирикларидан биридир.

Унинг вакиллари тропиклардан юқори кенгликларгача барча қитъаларда (Антарктидадан ташқари) тарқалган бўлиб, улар ҳаёт шаклларининг жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради, улар бир қатор ўсимлик жамоаларининг шаклланишида, айниқса, қурғоқчил минтақаларда муҳим рол ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги амалий жиҳатдан муҳим, айнан шу жумладан, халқаро шартномалар асосида ҳимояга остига олинади.

А.Л. Тахтаджан [9; 3–439-б.] таснифига кўра, Euphorbiaceae оиласи Dilleniidae кенжа синф, Euphorbianae кенжа тартиб ва Euphorbiales тартибига киради ҳамда таҳминан 330 туркумни ўз ичига олади. Оиланинг энг тўлиқ замонавий шарҳида *Euphorbia* L. туркуми Euphorbioideae (Boiss.) G.L.Webster кенжа оила, Euphorbieae Blume қабиласи (11 туркум) ва Euphorbiinae Hurus кенжа қабиласига киради.

В.К.Пазийнинг маълумотларига кўраЎзбекистонфлорасида*Euphorbia* L. туркумининг 33 тури келтирилган [6; 96–119-б.].

Euphorbia sclerocyathium Korovin & Popov (қадоқсимон сутлама) баландлиги20-40 см келадиган, кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари кўп сонли, тик турувчи, асосидан кучли шохланган. Барглари этли, ўтироқ, бутун қиррали, ланцетсимон-эллипсимон, камроқ чизиқли-ланцетсимон. Кўсакчаси 4.5 мм узунликда, шарсимон-тухумсимон, силлиқ. Уруғи тухумсимон, 2-3 мм узунликда, оч кулранг. Май-август ойларида гуллайди, июн-сентябр ойларида мева беради. Уруғи ва вегетатив (илдизпоя туфайли) йўл билан кўпаяди [10; 256-б., 11; 174-б., 6; 96–119-б.]



1-расм.*Euphorbia sclerocyathium*
(Қорабовур пункти, Марказий Қорақалпоқ Устюрти)

Euphorbia sclerocyanthium – қумли ва тошли чўлларда тарқалган тур саналади. Адабиёт маълумотларга кўра [8; 25–32-б., 1; 82–84-б., 13; 27–32-б.] тур рельеф шакллари, тупроқнинг механик таркиби билан ўзаро фарқ қилувчи жойларда ўсади, бироқ шўрланган ва она жинс қатламлари юза жойлашган ҳудулар тур учун мақбул саналади.

Euphorbia sclerocyanthium –камёб ва муҳофаза талаб тур саналади. Ушбу тур Мангишлоқ, Жанубий Устюрт ва Красноводск платосининг эндемиги ҳисобланади [1; 82–84-б.,], ареали Устюрт платоси билан чегараланиб туради [13; 27–32-б.]. Тур Sclerocyanthium Prokh. sect. монотип секциясига тааллуқли бўлиб, морфологик жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб туради. *Euphorbia sclerocyanthium* нафақат ташқи кўриниши билан,балки яна экологияси билан ҳам қизиқарли саналади.

Оролбўйи ва Каспий минтақаларининг ноёб эндеми [10; 256-б.], Қаратенгир темир йўл атрофида Красноводск яқинида ёзилган. Типи Тошкентда (TASH) сақланади [7; 336–337-б., 5; 165-б.].

E.sclerocyathium Қозоғистон Республикаси Қизил китобига [4; 260-б., 3; 127-б.] 2-статус билан киритилган. Турнинг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг 2009 [10; 256-б.] йилги нашрида камёблик мақоми 2 бўлган бўлса, сўнгги нашрда [11; 174-б.] унинг мақоми кўтарилди (1).

Ареали бўйича Орол-Каспий тури ҳисобланади [7; 336–337-б.].

Қорақалпоғистон ҳудуди: Устюрт платоси – Табансу қудуғи атрофлари[2; 176–180-б.], Қорабаур, Қорин-ярик, Барсакелмас географик пунктларида тарқалган.Ўзбекистондан ташқари Туркманистонда Мангышлак яриморoли ва Қарақумда (Красноводск қўлтиқи яқинида) учрайди (1-расм). Тур тошлоқ ва қумли чўлларда, шўрланган кулранг-қўнғир ва гипсли тупроқларда кенг тарқалган. Бу тур Х.Ф. Шомуродов томонидан Асаке-аудан ва Қорабоур ҳудудларида гипсли тупроқларда ҳар хил ўтли-бутазор, шувоқли-караганзор, шувоқли-боялишзор ва ҳар хил ўтли- биюрғунзор жамоалари таркибида қайд этилган ва турнинг асосий популяцияси Қорақалпоқ Устюртининг жанубида тарқалган[12; 75–83-б.].



2-расм.*Euphorbia sclerocyathium* тарқалган ҳудудлар

Ўсимликнинг морфологияси, жумладан ер устки қисмининг тузилиши Я.И. Проханов [8; 25–32-б., 7; 336–337-б.] томонидан батафсил ўрганилган.

1982-1983 йилларда Жанубий Устюртда – Қоплонқир давлат қўриқхонаси ҳудудида турнинг биологияси ва экологияси Е.Ю. Шубенкина [13; 27–32-б.] томонидан ўрганилган. Муаллиф ўз тадқиқотида ўсимлик илдиз тизимининг турли яшаш жойларидаги ўзгарувчан хусусиятларига эътибор қаратган. Муаллиф Қоплонқир давлат қўриқхонасининг Бурчлибурун геграфик ҳудудида *Euphorbia sclerocyanthium* нинг 8 та яшаш жойларини қайд этган, жумладан, шўракли-тасбуюрғунзор, шувоқли-шўракзор, қорасаксавулли-илоқзор, биюрғунзор (2), ҳар-хил ўтли-илоқзор, қорасаксавулли-боялишзор, боялишли-илоқзорлар таркибида учраши ва қоплаш даражаси 1-5% атрофида бўлишини таъкидланган. Чорвачиликнинг ривожланиши ўсимлик яшаш жойларига хавф солиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Белоусова Л.С., Денисова Л.В., Никитона С.В. Редкие растения СССР. –Москва, 1979. – С. 82-84.
2. Бондаренко О.Н. Определитель высших растений Каракалпакии.– Ташкент: Фан, 1964. – С. 176-180.
3. Красная книга Казахстана. Растения. В 2-х т. – Астана: ТОО"АртPrintXXI", 2014. Т. 1. – С. 127.
4. Красная книга КазССР. Растения. В 2-х т. – Алма-Ата:Кайнар, 1981. Т. 2. – С.260.
5. Красная книга СССР. – Москва: Изд. Лесная промышленность.1978. – С.165.
6. Пазий В.К. Сем. *Euphorbiaceae* - молочайные. Флора Узбекстана. В 6-х т. – Ташкент: Изд-во АН Узбекской ССР, 1959. Т.4. – С. 96-119.
7. Проханов Я.И. Род *Euphorbia* – молочай. // Флора СССР. –Москва, 1949. Т. 14. – С. 336-337.
8. Проханов Я.И. Систематический обзор молочаев Средней Азии. – М.-Л.:ОНТИ, Гос.химики-технич.изд-во. 1933. – С.25-32
9. Тахтаджян А. Л. Система магнолиофитов. – Ленинград: Наука, 1987. – С. 3-439.
10. Ўзбекистан Республикаси Қизил китоби. 2 жилдли. – Ташкент: Chinor ENK,

2009. Ж. 1. – Б. 256.
11. Ўзбекистан Республикаси Қизил китоби. 2 жилдли. – Ташкент: Chinor ENK, 2019. Ж. 1. – Б. 169-174.
12. Шомуродов Х.Ф., Сарибаева Ш.У., Ахмедов А. Распространение и современное состояние редких видов растений на Плато Устюрт в Узбекистане // Аридные экосистемы, 2015. Т. 21. – №4 (65). – С. 75-83.
13. Шубенкина Е. Ю. Об Euphorbia sclerocyathium Korov. et M. Pop. —молочае жесткозонтиковом // Известия. АН Туркменской ССР, Сер. биол. наук. –Туркменстан, 1985. – № 6. – С. 27–32.

Valeriana(Valeriana Lekarstvennaya)ósimligining dorivorlik xususiyati.

Tabiiy fanlar fakulteti Biologiya 3-bosqich talabasi Z.Ó.Qurbanbayeva
Mirametova. N

Ushbu tezisda Valeriana(Valeriana Lekarstvennaya)ósimligining dorivor xususiyatlari solishtirma tahlili haqida ma’lumot berilgan.

Valeriana (***Valeriana Lekarstvennaya***) - maunasorundoshlar oilasiga mansub ko‘p yillik o‘t, yarim buta, buta va lionlar turkumi. Barglari butun, uch bo‘lakli yoki patsimon qirqilgan. To‘pguli gullaganida boshchasimon, mevasi yetilganida ro‘vaksimon bo‘ladi. Gullari mayda. 200 ga yaqin turi Shim. yarim sharning mu’tadil va sovuq iqlimli hududlarida, Jan,. Amerikada, 1 turi Kilimanjaro tog‘larida tarqalgan. Andda ayniqsa xilma-xil turlari uchraydi. Hamma yerda — nam joylardan tortib tog‘u-toshlar, hatto alp yaylovlari mintaqalarida o‘sadi. Dorivor Valeriana (***Valeriana officinalis Lekarstvennaya***) — o‘t o‘simlik, poyasi tik, bo‘yi 2 m gacha, barglari va ildiz mevasining katta-kichikligi bilan farq qiladigan bir necha kenja turlar hosil qiladi, dorivor o‘simlik sifatida ekiladi. Dorivor V.ning ildizi va ildizpoyasidan tibbiyotda foydalaniladi. Undan nerv sistemasiga ta’sir qiluvchi, yurak urishini tartibga soluvchi valerian tomchisi olinadi. Valeriana tarkibida efir moylari, valerin, sirka va chumoli kislotalar, turli alkaloidlar bor. Olitoriya Valerianasi barglari sho‘raki (salat) sifatida iste’mol qilinadi. O‘zbekistonda tog‘lik mintaqalarda asorun (Valeriana fi carifolia Boiss.) tarqalgan.Tabobatda yurak va qon-tomir kasalliklarini oldini olish hamda davolashda, ayniqsa asab sistemasini tinchlantirishda dorivor o‘simliklar va ulardan olinadigan dori vositalari keng miqyosda ishlatiladi. Dorivor valeriana ana shunday dorivor o‘simliklar sarasiga kiradi. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgach, ayrim xo‘jaliklarda chunonchi Namangan viloyati Pop tumanidagi Abu Ali ibn Sino nomli ixtisoslashgan davlat o‘rmon xo‘jaligida va Toshkent viloyati Y.Oxunboboyev nomli ixtisoslashgan davlat o‘rmon xo‘jaligida hamda Parkent tumanidagi ayrim shaxsiy xo‘jaliklarda dorivor valeriana ekib o‘stirish borasida ma’lum ijobiy ishlar amalga oshirildi va Respublikamizning tog‘li hududlarida mazkur dorivor o‘simlikning yetishtirish mumkinligi isbotlandi. Hozirgi vaqtda respublikmizning ixtisoslashgan davlat o‘rmon xo‘jaliklarida o‘ndan ortiq dorivor o‘simliklar ziroat qilinmoqda, valeriana shular jumlasidandir.

Dorivor valeriana – ***Valeriana officinalis L.*** valerianadoshlar (***Valerianaceae)*** oilasiga mansub, ko‘p yillik o‘t o‘simlik, ildizpoyasi qisqa va ko‘pgina mayda ildizchalar bilan qoplangan bo‘lib, yer ostida tik joylashgan.

Ildizpoyadan birinchi yili ildizoldi to‘pbarglar, ikkinchi yilidan boshlab poya o‘sib chiqadi. Poyasi tik o‘suvchi 1.5-2.0 metrgacha yetadi. Silindrsimon, mayda qirrali shoxlanmagan (ba’zan yuqori qismlari shoxlangan), ichi kovak, yuqori qismi tuksiz, pastki qismi esa tuklar bilan qoplangan. Bargi oddiy, toq patli ajralgan, 4-11 juft sigmentlar (bo‘lakchalar)dan iborat. Ildizoldi barglari uzun bandli bo‘lsa, poyadagi Ayrim mintaqalarda, hususan yog‘ingarchilik ko‘p bo‘ladigan Rossiyaning bir qator viloyatlarida yoz oylarida ham ekish mumkin.

Kuzda yer shudgor qilinib, molalanib tekislanadi, chizellanib begona o‘tlar qoldiqlaridan tozalangan maydonga 60 sm kenglikda egat olinib, har bir gektar yerga 7-8 kg miqdorda urug‘ sepib chiqiladi, qadalgan urug‘ning chuqurligi 1-1.5 smdan oshmasligi kerak. Valeriananing urug‘i sovuqga chidamli bo‘lib, tuproq harorati 50 S bo‘lganda unib chiqadi. Ammo urug‘ unib chiqishining optimal darajasi 15-200 S ni tashkil qiladi. Ob-havo sharoiti yaxshi bo‘lgan davrlarda urug‘ yerga qadalgandan so‘ng 15-20 kun o‘tib urug‘ unib chiqadi. Vegetatsiyaning ikkinchi va kelasi yillarida yerdan qor ketgan zahoti valeriana maysalari unib chiqadi. Valerianani parvarish ishlari maysalar orasini yumshatish, chopiq qilishdan boshlanadi. Unib chiqgan nihollar mahalliy va mineral o‘g‘itlar bilan oziqlantirilib chiqiladi.

Har bir gektarga 30-40 kg dan azot va fosforli mineral o‘g‘itlar berish tavsiya etiladi. Valerianaga ishlov berish davrida, uning yerosti ildizpoyasi va ildizlari massasi katta bo‘lishligi uchun, o‘sib chiqgan gul poyalari olib tashlanadi. Valerianani urug‘dan tashqari ko‘chatlari orqali ham ko‘paytirish mumkin. Buning uchun maxsus niholxona (pitomnik) tashkil qilinib ko‘chatlar yetishtiriladi va yetilgan niholchalar ochiq yerga ko‘chirilib o‘tkaziladi. O‘tqazilgan har bir nihol oralig‘i 10-15 sm bo‘lishligi va zudlik bilan sug‘orilishi kerak.

Valerianani ildizlari vegetatsiyani ikkinchi yilining ohirida, o‘simlik urug‘lari pishib yetilgandan so‘ng kovlab olinadi. Har bir gektar maydondan 15-20 sentnerdan quruq holda ildiz kovlab olinadi. Yig‘ib olingan mahsulot tuproqdan tozalanib, mahsus idish yoki savatlarga solib suvda yuviladi. Suvi selgishi uchun biroz vaqt ochiq yerda qoldiriladi va havo kirib turadigan joyda yoki qurutgichda 35-400 S da quritiladi. Valeriananing ildizi va ildizpoyasi ho‘lligida hidsiz va oqish bo‘lib, quritilgandan so‘ng qo‘ng‘ir ranga aylanadi hamda o‘ziga xos “valeriana hidi”ga ega bo‘ladi. Bu o‘zgarishlar quritish davrida yuz bergan fermentatsiya jarayoni natijasidir.

Umuman olganda, farmatsevtika sanoati korxonalari ehtiyojlarini dorivor o‘simliklar xomashyosi bilan to‘la-to‘kis, uzliksiz ta’minlash, hamda dorivor o‘simliklar homashyo bazasini yaratish uchun ularni ekib o‘stirish, hamda ularning ekin maydonlarini kengaytirib, dorivor o‘simliklar dehqonchiligini respublikamizda rivojlantirish, qishloq xo‘jaligimiz fanlari oldidagi asosiy vazifalardan hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.E.T.Berdiyev, E.T.Axmedov "Tabiiy Dorivor Ósimliklar" Toshkent 2018.
2.ÓzMe, Toshkent 2000.
3.www.ziyonet.uz internet tarmog‘i.

Topinambur (*Helianthus tuberosum L.*) o‘simligining dorivorlik xususiyati.

Tabiiy fanlar fakulteti Biologiya yo‘nalishi 3-bosqich talabalari
Sapayeva Roxatoy Xayrullayevna, Mirametova. N,
Qurbanbayeva Zarafshon O’tkirovna

Ushbu tezisda Topinambur (Helianthus tuberosum L.) o‘simligining dorivorlik xususiyatlari, solishtirma tahlili haqida ma’lumot berilgan.

"Topinambur" nomi braziliyalik hindularning “tupinamba” deb nomlangan qabilasi nomlanishi bilan bog‘liq. O‘simlikning vatani Shimoliy Amerika bo‘lib, u yerda yovvoyi tarzda o‘sadi.Bu murakkabguldoshlar oilasiga mansub ko‘p yillik ildizmevali o‘simlik.

Mamlakatimiz hududida XX asrning o‘rtalarida topinambur yovvoyi hayvonlarni boqish uchun ov xo‘jaliklarida, shahar bog‘lari va dam olish joylarida esa manzarali o‘simlik sifatida ekila boshlandi. Yaqin vaqtgacha bu o‘simlik deyarli har bir uy tomorqasida ekilardi. Sovuqqa chidamli va parvarishlash oddiy bo‘lgan chiroyli sariq gullari bor. Lekin uning nafaqat mazali, balki foydali bo‘lgan tugunaklari qimmatbaho sanaladi. O‘simlik shiraliligi uchun “yer noki” deb ham yuritiladi. O‘zbekiston bozorlarida o‘simlikning ildiz mevalari kuzda paydo bo‘ladi. Topinambur vitaminlar, kletchatka, inulin, pektin va fruktoza, shuningdek, temir, kalsiy, kaliy, magniy, mis, fosfor, sink va kremniyning mineral tuzlariga boy.

Tugunakida mavjud bo‘lgan inulin qonda shakar miqdorini me’yorlashtiradi, oshqozon osti beziga foydali ta’sir ko‘rsatadi. Jigarni himoya qiladi va safro chiqishini kuchaytiradi. Jigar va o‘t pufagida tosh va qum hosil bo‘lish jarayonini sekinlashtiradi.

Ozishga yordam beradi. Buning sababi, ildiz mevalari uglevod va yog’ almashinuvini normallashtirishga, qonda xolesterin darajasini pasaytirishga olib keladi.Ular diuretik va yallig‘lanishga qarshi ta’sirga ega. Tanadan ortiqcha tuzni chiqaruvchi vosita sifatida tavsiya etishadi. Shish, podagra, osteoxondroz kasalliklarida naf keltiradi.

Topinamburdan gipertoniya, ateroskleroz, taxikardiya, stenokardiya va yurak-qon tomir kasalliklarida foydalanish tavsiya etiladi.Immunitetni oshiradi. Topinambur ildizidagi askorbin kislotasining yuqori miqdori tananing himoya kuchlarini faollashtirishga yordam beradi.

Bundan tashqari, ildiz mevalari fosfor va argininga boy bo‘lib, ular chidamlilik va jismoniy kuchga qarshilikni oshiradi.

Meteorizmga moyil bo‘lgan odamlarda undan foydalanishda ehtiyotkorlik talab etiladi.

Har bir 100 g.iga
Calories (kcal) 72
To'yingan yog' 0 g
Xolesterin 0 mg
Natriy 4 mg
Kaliy 429 mg
Uglevodlar 17 g
Ozuqa tolalari 1,6 g
Qand 10 g

Proteinlar 2 g
Vitamin C 4 mg Kalsiy 14 mg
Temir 3,4 mg Kalsiferollar 0 IU
Vitamin B6 0,1 mg Kobalamin 0 µg
Magniy 17 mg to'g'ri keladi.

Topinamburni xalqimiz yernok deb ham ataydi. Amerikalik hindular uni uzoq umr ko'rish vositasi deyishadi. Chunki, uning tanani umumiy quvvatini oshiruvchi xususiyatlari bisyor. Yernokdan muntazam iste'mol qilib turilsa, a'zolarga tuz yig'ilishi, 2-tur qandli diabet, me'da-ichak xastaliklari, kamqonlik, ateroskleroz, buyrak va siydik yo'llarida tosh hosil bo'lishida, asab kasalliklarining oldini olishda juda qo'l keladi.

Yernok bargini, kartoshkasini yangi holda yoki quritilgan holda ishlatish mumkin. Yangi terib olingan kartoshkasidan 50 g. tozalab, unga hech narsa qo'shmasdan ovqatdan 30 daqiqa oldin, kuniga 3 mahal iste'mol qilinsa, qondagi qand miqdori kamayadi. Bargidan salat tayyorlansa faqat qandli diabetnigina emas, balki gipertoniya, me'da osti bezi xastaliklarini davolashda ham ahamiyati juda kattadir.

Yangi terib olingan, yernokning sarxilidan 1 litr suvga 3 donasini solib, 10-15 daqiqa davomida meva sharbati kabi qaynatasiz. Yernokning quritilgan kartoshkasidan ishlatmoqchi bo'lsangiz, 1-2 litr suvga 3 osh qoshiq olib 1 soat davomida mildiratib qaynatasiz.Iliq holda yoki sovutilganini kuniga 1 l.dan ichish tavsiya etiladi. Bunday qaynatma qondagi qand miqdorini kamaytiribgina qolmay, balki qon bosimini ham tushiradi. Me'da osti bezining ish faoliyatini yaxshilaydi, qondagi gemoglobin miqdorini oshiradi

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdug'aniyeva F. Z. "Topinambur nav va duragaylarini qayta ishlash texnologiyasini takomillashtirish" T-2023.
2. A.Saminov, M.Sodiqova , M.Rahmataliyeva "Dorivor topinambur o'simligini yetishtirish va uni o'ziga xos xususiyatlari " T-2022
3. www.ziyonet.uz internet tarmog'i

SİPSENİŃ (KOCHIA SCOPARIA L. SCHRAD) EKOLOGİYASÍ

Jabbarbergenov. A Ájiniyaz atındaǵı NMPI Biologiya qániygeligı 4-kurs talabası.

Sipse-(Kochia scoparia L. Schrad) – (ózbekshe atı-makka supurgi, qaraqalpaqsha-sipse dep júritiledi), soralar (Chenopodiaceae) tuqımlasına kiredi, boyı 30-150 sm bolǵan, báxárde uzaq waqıt vegetatsiyalawshı bir jıllıq ósimlik [5]. G.S. Golovchenko onı jáne "bir jıllıq kiparis" yamasa "jazǵı kiparis" dep ataǵan [1].

Bul - júdá kúshli shaqalanǵan bir jıllıq jasıl ósimlik. Paqal xám shaqaları qıysayıp joqarıǵa qaraǵan. Paqalınıń joqarǵı bóliminde buyra jińishke shashshaları bar. Japıraqları - jalpaq, lantset yamasa tuwrı-lantset tárizli, ushqır, japıraq tiykarında baldaqqa tarayǵan, shashshaları bar yamasa joq xám tek qaptal boylap kirpik-shashlı.

Top gúlleri jayılǵan, masaq tárizli. Gúlleri mayda, kóbinese 1-2-5 deyin/, gúl aldı qoltıqlarında jaylasqan. Gúlqorǵanı jalańash, qaptal boylap kirpik-shashlı,

bólimleri dúmpeshikli miywe aldında qısqa-qanat tárizli ósimsheler menen jaylasqan. Analıq gúlleriniń kópshilik bólegindegi qırları jaqsı rawajlanbaydı. Analıq moyını máyek tárizli bolıp, onıń uzınlıǵı 1,5-2 mm ge jetedi [5]. Miywesi – ǵozasha tárizli, domalaq qısılǵan bolıp, olar gúlqorǵanda gorizontal túrde jaylasqan. Miywe qabıǵı juqa jińishke, ańsat alınadı. Miywesi ashıq-qońır yamasa kúlreń-qońır reńde boladı.

Dobroxotova V.N. maǵlıwmatı boyınsha miywesiniń diametri 1,75-2,5mm, qalıńlıǵı 1-1,5mm. Tuqımı máyek tárizli yamasa keri máyek tárizli bolıp, olar qısılǵan yamasa jalpaq-sopaq formada boladı. Reńi qaralaw, aqshıl-guńgirt [2]. Sipse (Kochia scoparia L. Schrad)-nıń tamır sisteması jaqsı rawajlanǵan, iri oq tamırǵa iye.

Jabayı ósimlik bolıwına qaramastan insanlar ushın áhmiyetli bir qansha qásiyetleri bar. Ósimlik medicinada, kúndelikli turmista, sharwashılıqta, qusshılıqta qollanılıp kelinedı. Kopshılıkke belgisiz bolǵan qásiyetlerinen biri onıń dekorativlık qásiyeti, japıraqları hám jas shaqaları ashıq jasıl reńde bolıp forması jaǵınan ósken sayın arshaǵa uqsap keleberedi.



1-súwret: Kochia scoparia [modified from United States Department of Agriculture (1971) and Frankton and Mulligan (1987)]: A. mature plant; B. upper branch; C. root; D. flowers; E. naked/bare seed; F. seedling (Heap (2008)).

Larin İ.V. [3] maǵlıwmatı boyınsha, sipse awıl xojalıǵında sharwa malları iri qara mal, qoy. eshki, jılqılar, ásiresse jas waqtında (yuvenil` dáwirinde) úy qusları (túye tawıq, shaytan tawıq, olardıń shójeleri 100%), suysinip jelinedi, ayrım avtorlar úy haywanları jemeydi dep kórsetken, bul biykar, biz oǵan qosılmaymız.

Joqarıda kórsetilgen sipse ósimliginiń bahalı qásiyetlerin hám xojalıq áhmiyetin esapqa alıp, ilimpazlar onı mádeniylestiriwdi usınıs etedi. Xamdamov İ., Golovchenko S.G., Dobroxotova V.N. [1,2,5]

Qala ishki jolların jaqsılawda, jol boylarına jasıl ósimlikler egie arqalı jol boylarına dekorativlık sán beriledı. Bizıń sharayatda bul máqsette sipseden paydalanǵan durıs. Sebebi sipse shorlanǵan qurǵaq hám yarım qurǵaq jerlerde hawa

temperaturasi 20-25 C bolǵanda kógerip shıǵadı. Awıl xojalıq fermerlerı bul ósimliktı hátteki gerbecitler menen pataslanǵan topraqlarda da óskenligi ushın, awıl xojalıq eginlerine hám suw balanısına ziyan jetkerıwshi jabayi shop retinde qaraydı.

Juwmaqlap aytqanda Sipse ósimligi mádeniy sharayatta mart ayınıń aqırı aprel` ayınıń basında vegetatsiya dáwiri baslanadı, may ayında gullep, iyuń ayında miyweleydi, tájiriybe ótkeriw protsesinde baqlaw alıp barǵan jılları óspegen hám topıraqta qalıp ketken tuqımlardıń ayrımları keyingi jılları ósetuǵınlıǵın baqladıq. Biraq olar júdá az sanda boladı.

Paydalanılǵan ádebiyatlar

1. Головченко С.Г. Травы для севооборотов и улучшения пастбищ Узбекистана.- Изд-во АН УзССР. Ташкент,1953

2. Доброхотова В.Н. Семена сорных растений. Изд-во Сельскохозяйственный литературы. Москва, 1961.

3.Ларин И.Б. Улучшение и рационального использование пастбищ и сенокосов на солонцовых комплексах. Земледелие №2.-1959.

4. Флора Узбекистана.- Ташкент : Изд-во АН УзССР, 1953.-Т. ИИ.

5. Хамдамов И. Биологические основы введения в культуру кохии веничной на пастбищах полынно-эфемеровой пустыни Узбекистана//на соискание ученой степени кандидата биологических наук.-Самарканд, 1963.

The biology of Canadian weeds. 138. Kochia scoparia (L.) Schrad.

NAMATAK O'SIMLIGINING AGROTEXNIKASI, FOYDALI XUSUSIYATLARI VA TARQALISHI

Kutlimuratova G.A. Xudaybergenova M.D.
Nukus davlat pedagogika inistituti Tabiiy faqnlar fakulteti

Hozirda shiddat bilan rivojlanayotga davlatlar qatorida O'zbekiston ham hamma sohalarda olg'a intilmoqda. Yangidan yangi inovatsiyon yangiliklar, yangidan yangi o'zgarishlar bo'lmoqda. Shular qatori ilm fan sohasida ham yangi g'oyalar va yangiliklar yaratilmoqda.

O'zbekistonda 13 turi tabiiy holda o'sadi va bir nechta turlari manzarali o'simlik sifatida ekiladi. Na'mataklar ichida itburun na'matak nomli turi O'zbekistonda keng tarqalgan. Uning mevasidan dorivor xomashyo sifatida, urug'idan o'stirilgan ko'chatlaridan atirgullarni payvand qilish uchun payvandtag sifatida foydalaniladi. Na'mataklar atirgullarning kelib chiqishidagi asosiy manbaa hisoblanadi. Bu turkum 1—3 m balandlikdagi tikanli butalardan tashkil topgan. Poyasi egiluvchan, tikanli, yaltiroq,qo'ng'ir-qizil yosh novdalari bir oz yashil yoki qo'ng'ir-yashil ranglidir. Barglari toq patli murakkab, poyada bandi bilan ketma-ket o'rnashgan. Murakkab barglari (5-7 ta) tuxumsimon va arrasimon qirrali. Qo'shimcha barglari bandi bilan birlashib ketgan ham bo'lishi mumkin. O'simlik gullari yirik yakka yoki 2-3 tadan shoxchalarga o'rnashgan. Gullari aktinomorf, 2 jinsli, yirik, oq pushti, sariq rangli, gulqo'rg'oni murakkab, xushbo'y hidli. Gul oldi barglari lansetsimon.Kosacha bargi va tojbargi 5 tadan, otalik va onaliklar ko'p sonli mevasi -gul o'rnidan hosil bo'ladigan shirali soxta meva. Mevasi sharsimon,

diametri 1-1,5 santimetrga teng. Ichida onaliklaridan hosil bo‘lgan bir nechta haqiqiy meva -yong‘oqchalar bor.

Na’matak mevalari turlariga qarab og’irligi, rangi va katta-kichikligi novda po’stlog’ining ko’rinishi, tikondorligi bilan farqlanadi. O’simlik issiqsevar, namga, organik va mineral o’g’itlarga o’ta talabchan. Har xil tuproq sharoitiga moslasha oladi. Na’matakni bitta yakka tartibda alohida o’stirib bo’lmaydi, chunki u yakka o’zi changlanmaydi.Shuning uchun har doim bir-biriga yaqin joylashgan bir nechta na’mataklarni ekish karak. O’simlikni qalamchadan tashqari urug’idan ham ekish mumkin. Urug’idan ekish qalamchaga nisbatan kech yetiladi, tezda rivojlanib xam ketmaydi, uning uchun ikki uch yil vaqt o’tishi mumkin. Na’matak(Rosa)–turlari har xil vitaminlarga boyligi bilan mashxur. O‘zbekistonda o‘sadigan turlaridan quyidagilar ko‘p yillardan buyon tabobatda ishlatib kelinadi.

O‘zbekiston sharoitlarida na’matak urug‘larini tayyorlash uchun avgust oyining oxiri, sentabrning boshlarida o‘simlik mevasi sarg‘ish-qizg‘ish rangga o‘ta boshlaganda yig‘iladi. O‘simlik mevalari urug‘idan ajratilib, 1 qism urug‘ 3 qism yuvilgan daryo qumi bilan aralashtiriladi, ya’ni stratifikatsiya qilinadi. Aralashma 60-70 sm chuqurlikdagi Urug‘lar shu usulda stratifikatsiya qilinganda ularni unuvchanligi ortadi. Tayyorlangan urug‘lar kuzda 30-35 sm chuqurlikda haydalgan, organik o‘g‘it va fosforli o‘g‘itlar bilan o‘g‘itlangan, boronalab tekislangan yerlarga (erta bahorda), qator oralig‘i 60-70 sm liegatlarga 2 sm chuqurlikda ekib chiqiladi. Ekilgan urug’larni ustiga 1 sm qalinlikda mayda ko‘p yillik go‘ng yoki yog‘och qipig‘i bilan mulchalanadi.Bu tadbir tuproq namligini saqlashga yordam beradi. Shu bilan birga nihollarni sovuq urishidan asraydi. Bahorning kelishiga qarab, dastlabki nihollar mart oyining birinchi,ikkinchi dekadasida o‘sib chiqadi. Aprel oyida nihollar begona o‘tlardan tozalanib, qator oralariga ishlov beriladi. Bu davrda nihollar har oyda 3-4 martadan sug‘orilib, qator oralari kultivatsiya qilinadi. May-iyun va iyul oylarida gektar hisobiga 50-60 kg azotli o‘g‘itlar bilan oziqlantirish nihollarni yaxshi o‘sishiga yordam beradi.

Na’matak ekilgan yerlarga gektar hisobiga 110 kg N, 80 kg P va 60 kg K o‘g‘iti beriladi. O‘g‘itlar sug‘orishdan oldin berilishi maqsadga muvofiq bo’ladi. Na’matak poyalari 5 yilgacha o‘sib turadi, keyin ular yangi o‘sib chiqqan novdalar bilan almashinadi. Eski novdalari vaqti-vaqti bilan qirqib olib tashlanadi. Har 6-7 yilda na’matakning barcha yer ustki novdalari olib tashlanib, yoshartirilgan na’matakzor bir yildan keyin gullaydi va mevaga kiradi. Na’matakning asosiy kasalligi yaproq va yosh poyalari, shoxchalarga kuyasimon zamburug‘ tushishidir. Unga qarshi kurashish uchun o‘simlik oltingugurt kukuni bilan seven qorishmasi vositasida ishlov beriladi. Har gektar yerga 20-30 kg oltingugurt va 1-2,4 kg seven solinadi. Na’matakzorda agrotexnik tadbirlarni o’tkazishda qalin qolqop kiyish zarur bo’ladi.

Dorivor xususiyati: Uning gullari dorivor xususiyatlarga ega emas, ammo mevalari xalq tabobatida keng qo’llaniladi. Odatda tabobatda na’matak damlamasidan foydalaniladi.

Shifokorlar shamollashning oldini olish va davolash uchun tavsiya etishadigan na’matak mevalarining damlamasi — askorbin kislotasi yoxud vitamin C`ning tabiiy manbai sanaladi. Ushbu o’simlik mevalarida C vitamini ekzotik limon

va apelsinga qaraganda 50 barobar, qora smorodina tarkibidagidan esa 10 barobarga ko'proq. Bundan tashqari, u bir qator foydali mikroelementlar, shu jumladan kaliy, magniy, kaltsiy va natriyni o'z ichiga oladi.

Shifokorlar kuz-qish davrida ichishni tavsiya etadigan damlama odam organizmiga qanday ta'sir qiladi? Bunday vositaning xususiyatlari quyidagilardan.

Organizmning himoya kuchlarini mushtahkamlaydi va kuchaytiradi;

Qon tomirlarini mustahkamlaydi;

Yurak ishini barqarorlashtiradi;

Qon bosimini pasaytiradi;

Hazm qilish tizimini me'yorga keltiradi;

Xolesterin darajasini pasaytiradi;

Organizmni hujayra darajasida intoksikatsiya qiladi (na'matak kuchli antioksidant ta'sirga ega);

Barcha a'zolar regeneratsiyasini rag'batlantiradi.

Na'matak siropi yoki mevalardan tayyorlangan choy sovuq mavsumda juda samarali ichimlik sanaladi, ayniqsa viruslar faollashganda va immunitet darajasi pasayganda. Agar ushbu xalqona vosita muntazam ravishda qabul qilib boriladigan bo'lsa, unda shamollashdan saqlanish, shifo jarayonini tezlashtirish va kasallikdan keyin tezroq tiklanish mumkin bo'ladi.

Homiladorlik paytida na'matak alohida ahamiyatga ega. Na'matak damlamasi bo'lajak onalarga toksikoz xurujlarini yengishga, qizil qon tanachalarini yoxud eritrositlar shakllantirishni rag'batlantirishga, gemoglobinni ko'paytirishga va kamqonlik rivojlanishining oldini olishga yordam beradi.Bunday damlamalar homilador ayollarda sezilarli darajada pasayagan immunitetni rag'batlantiradi. Shunday qilib, O'RVI yoki gripp bilan kasallanish xavfi kamayadi, agar bu sodir bo'lsa ham, unda kasallik oson va asoratlarsiz kechadi.

Oziqaviy qiymati

100 gr mahsulotning oziqaviy qiymati

Kaloriyasi 162 kkal Yog'lar 0.3 g Uglevodlar 38g Oqsil 1,6 g Nartiy 4 mg Kaliy 429 mg Temir 1,1 mg Magniy 69 mg Vitamin A 217 μg Vitamin B6 0,1 mg Vitamin C 426 mg

Zararlari va qarshi ko'rsatmalar

Na'matakdan shifobaxsh vosita sifatida foydalanish uchun ko'plab ko'rsatmalar mavjudligiga qaramay, u inson organizmiga salbiy ta'sir ko'rsatishi ham mumkin. Shu sababli uni qo'llashdan oldin mavjud bo'lgan qarshi ko'rsatmalar bilan tanishib chiqish tavsiya etiladi.

Na'matakni har qanday shaklda qabul qilish quyidagi hollarda tavsiya etilmaydi:

Oshqozon sekretsiyasining oshishi (kislotalik darajasi ortishi);

Gastrit rivojlanishiga moyillik yoki kasallik tashxislanganligi;

Anamnezda pankreatit mavjudligi;

Allergik (dermatologik) holatlarga moyillik;

Tomirlarda tromblar shakllanishi, tromboflebit rivojlanishi;

Endokardit (yurak mushaklarining yallig'lanishi).

Ba'zi holatlarda esa uni ehtiyotkorlik bilan qabul qilish tavsiya etiladi.

Tish emalining yupqalanishini tezlashtiradi;

Spirtli tindirmasidan foydalanish qon bosimi ko'tarilishiga olib kelishi mumkin,obstruktiv sariq kasallik rivojlanish ehtimoli mavjud,safro sekretsiyasini sekinlashtiradi, ich qotishiga sabab bo'ladi.

Na'matakdan profilaktika va davolash vositasi sifatida foydalanganda ushbu ogohlantirishlarni e'tiborsiz qoldirmaslik lozim. Yodda tutish kerakki, salbiy oqibatlar ko'pincha dori-darmonlarning dozasini noto'g'ri tanlash natijasida rivojlanadi. Ushbu o'simlikning odam uchun kundalik me'yori — 10 tagacha mevani tashkil qiladi. Bunda ularni maydalab, choyga qo'shish mumkin.

Xulosa qilib aytganda na'matak turkum turlarining agrotexnik tadbirlari to'g'ri va to'liq olib borilsa ulardan yaxshi hosil olish hamda farmasevtika sanoatida keng ko'lamda foydalanish mumki.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Dorivor o'simliklarni yetishtirish va qayta ishlash, ularning urug'chiligini yo'lga qo'yishni rivojlantirish bo'yicha ilmiy tadqiqotlar ko'lamini kengaytirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida" PQ-4901 sonli qarori.

2. Hamidov A., Nabiyev M., Odilov T. O'zbekiston o'simliklari aniqlagichi. Toshkent, O'qituvchi, 1987.

4. Q. Xaydarov, Q. Hojmatov. O'zbekiston o'simliklari. "O'QITUVCHI" -Toshkent 1992.

. E.T.Berdiyev, M.X.Hakimova, G.B.Maxmudova O'rmon dorivor o'simliklari «Sanostandart» nashriyoti Toshkent –2016

5. Hamidov A., Nabiyev M., Odilov T. O'zbekiston o'simliklari aniqlagichi. Toshkent, O'qituvchi, 1987. 472

UDK 582.263:581.96(477-25)

FARG'ONA VODIYSI SUV HAVZALARIDA TARQALGAN CYANOPHYTA BO'LIMI SUVO'TLARI (*O'RGANILISHI, TARQALISHI VA AHAMIYATI*)

[1]Nuriddin IKRAMOV, [1]Bekzod USMONOV, [2]Erkin Ikromov

[1]Namangan davlat universiteti tayanch doktorantlari;

[2]Biotexnologiya kafedrasi dotsenti.

E-mail:nuriddin4002@mail.ru

ANNOTATSIYA.

Maqolada O'rta Osiyo, O'zbekiston shu jumladan Farg'ona vodiysidagi suv havzalarining algoflorasida tarqalgan Ko'k-yashil suvo'tlarning, sistematik tarkibi, rivojlanishi, taqsimlanishidagi qonuniyatlar, toksik xususiyatlarga ega bo'lgan turlar, ular faoliyati natijasida suvning "gullashi" hamda ularga ekologik omillarning ta'siridagi o'zgarishlar qator algolog mutaxassislar tomonidan olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlarining tahlili keltirildi. Shu bilar bir qatorda Norin daryosi quyi oqimi havzasi algoflorasida cyanobacterialarning o'rganilishi bo'yicha olib borilgan tadqiqotlardan ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: cyanophyta, sianotoksinlar, gepatotoksin, neyrotoksin, mikrosistin, saproblik, iqlim o'zgarishi, suvning gullashi, biologik hilma-hillik.

Ko'k-yashil suv o'tlari yoki siyanobakteriyalar yerdagi eng qadimgi organizmlar bo'lib, 2,15 milliard yil oldin paydo bo'lgan va sayyora atmosferasining shakllanishiga hissa qo'shgan. Siyanobakteriyalar yuqori moslashish qobiliyati bilan ajralib turadi, deyarli hamma joyda tarqalgan va barcha ekotizimlarda quruqlikdan tortib to suvli yashash joylarigacha, shu jumladan issiq buloqlar, gipersho'r muhitlar va muzliklar kabi ekstremal sharoitlarda ham uchraydi. Bugungi kunga qadar 46 turdagi siyanobakteriyalar inson va hayvonlar salomatligi uchun xavfli bo'lgan zaharli metabolitlarni (siyanotoksinlar) ishlab chiqarishga qodir ekanligi aniqlangan.

Hozirgi vaqtda siyanobakteriyalarning "gullashi" hatto ilgari "gullamagan" suv havzalarida ham kuchaymoqda va keng tarqalmoqda. O'rtacha yillik haroratning oshishi (sayyora iqlimining o'zgarishi) va suv havzalarida ozuqa moddalarining yuqori kontsentratsiyasining birgalikdagi ta'siri siyanoprokaryotlarning zaharli turlarining o'sish sur'atlarining oshishiga qo'shimcha ravishda ta'sir qiladi. Siyanobakteriyalarning biomassasini ko'paytirish davrlari hujayralarning katta o'limi va keyinchalik hujayra ichidagi toksinlarning suvga chiqishi bilan yakunlanadi. Siyanotoksinlar siyanobakteriyalarning hujayra ichidagi zaharli metabolitlari bo'lib, hujayra devorining "gullashi" va keyinchalik parchalanishi (yo'q qilinishi) natijasida tashqi muhitga chiqariladi. Ular tirik organizmlarga ta'sir qilish yo'llari bilan bir necha guruhlarga bo'linadi, ulardan chuchuk suv havzalari uchun eng muhimi neyrotoksinlar (saksitoksinlar, toksoidlar) yuqori toksikligi tufayli va gepatotoksinlar (mikrosistinlar, MCYST) yuqori barqarorligi va tarqalishi tufayli toksinlar inson tanasiga ifloslangan suv yoki dengiz mahsulotlarini iste'mol qilish natijasida, shuningdek, "gullaydigan" tabiiy suv havzalaridan rekreatsion foydalanish natijasida kiradi [1].

O‘zbekistonda suv havzalari algoflorasida tarqalgan ko’k-yashil suvo’tlarni o’rganish bo‘yicha qator ishlar amalga oshirilgan. Ko’k-yashil suvo’tlar o‘ziing hilma-xilligi va tabiatdagi ahamiyati bilan tadqiqotchilarni doimo qiziqtirib kelgan va bu ishlarni asosiy qismini akademik A.Muzaffarov va bir qator olimlar tomonidan bajarilgan. O‘zbekistonda shu jumladan Farg‘ona vodiysi tabiiy xududida uzoq yillar davomida algologik tadqiqotlar olib borilganligiga qaramay hozirgi kunda algofloralarning zamonaviy ro‘yhati mavjud emas. Suv havzalariga intensiv ravishda amalga oshirilayotgan antropogen jarayonlar suv havzalaridagi fitotsenoz va algotsenozlarga salbiy ta’sir etmoqda. Suv havzalarida algofloraning rivojlanish qonuniyatlarini bilish, ularni fasliy dinamikasini o‘rganish, indikator saproblik darajalari bo‘yicha tahlillash va amaliyotga joriy etish algologiya sohasi oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Tadqiqot ishlari uchun materiallar Farg’ona vodiysida transchegaraviy hisoblangan Norin daryosi quyi oqimi hamda undan suv oluvchi Katta Farg’ona, Shimoliy Farg’ona Katta Andijon va Katta Namangan kanallardan 2020-2023 yillarda to‘plangan. Suv havzasi algoflorasini o‘rganishda bir nechta metodlardan foydalanildi. Dastlab namuna olish doimiy va va vaqtinchalik kuzatuv nuqtalarining koordinatalari belgilab olindi. Geografik havzalar koordinatalari MAPS.ME (version 15.1.7) ilovasi yordamida yordamida olingan. Hudud xaritalari bilan ishlashda ArcGIS 10.8 dasturidan foydalanildi. Belgilangan hududlardan plankton, perifiton, fitobentos qismlardan namunalar olishda Abakumov (1983), Vasser

(1989), Sadchikov (2003) va Ijboldina (2007) metodlaridan foydalanildi. Plankton va bentos qismdan namunalarni olishda Rutner batometri, Apshteyn plankton to‘ri va Ramenskiy dragasidan hamda Van-Vin kovshidan (dnocherpatel) foydalanildi. Perifiton qismlardagi suvo’tlar skalpel, pichoq va shpatel yordamida qirib yoki kesib olindi. Qirg’oqlardagi tuproq yuzasida qoplam hosil qilgan cyanobacterialardan 10x10 hajmda kesiklar olindi.

Namunalarni yig‘ish davrida suvning oqim tezligini gidrometrik parrak (vertushka) yordamida, suv havzasining harorati va kislorod miqdori suv termometri va OxyGuard (Polaris C) oksimetri yordamida, tiniqligi Sekki diski yordamida, suvning pH ko‘rsatkichlari tabiiy sharoitda universal indikator qog‘or orqali tekshirildi hamda laboratoriya sharoitida PXSJ-216F pH metr yordamida tekshirildi.

Suv havzasidan olingan namunalarni laboratoriya sharoitida suyuq ozuqa muhiti $BG11^{+}$ va $BG11^{-}$ va qattiq agarli (BG11; A.D.Temraleeva, E.V.Mincheva, Yu.S.Bukin, A.M.Andreeva. 2014) pH=7 BG-11 N+ azotli muhitda O‘stirildi va turlar tarkibi identifikatsiya qilishga tayyorlandi.

Algoflora tarkibidagi turlarni identifikatsiya qilish M.G.Kelli va bosh.(Kelly et al., 2001), Gollerbax va Shtina (1969), Moshkova va boshq.(1986), Palamir va boshq. (1982), Vinogradova va boshq.(1980) ma’lumotlaridan foydalanildi. Suvo‘tlarni turlarini aniqlashda N-300M (sUCMOS09000KPB 9.0M) hamda Model Kern optics ODC 241 mikroskopidan foydalanildi. Aniqlangan har bir taksonlar AlgaeBase.org ma’lumotlar bazalariga muvofiq berilgan.

Algoflora tarkibini o‘rganishda bir qancha adabiyot ma’lumotlaridan foydalanildi. Bu yo‘nalishda juda ko‘plab tadqiqot ishlari olib borilgan va ular suv havzasi algoflorasini o‘rganishga bag‘ishlangan. Bu adabiyotlarni o‘rganishda o‘z navbatida ma’lumotlari uch bosqichga bo‘lib o‘rganish asosli bo‘ladi.

1. Algoflorani o‘rganishda fundamental va klassik tadqiqotlar.
2.Ekologik-floristik yo‘nalishdagi tadqiqotlar.
3.Turkum turlari doirasida aniq maqsadlarga yo‘naltirilgan zamonaviy tadqiqotlar.

O‘rta Osiyoning turli suv havzalaridagi algaflorani fundamental va klassik tadqiqotlarni dastlab K.E.Hirn (1900) o‘rgangan. Uning axborotiga ko‘ra Norin, Almatinka daryolari va Issiqko‘lning turli xavzalaridan yig‘ilgan algologik namunalardan 103 turga mansub suvo‘tlarni aniqlangan bo’lib, shundan 7 turi Cyanophyta bo’limiga mansub. K.E.Hirn (1900)ning ko‘rsatishicha Norin daryosining yuqori yuqori qismlarida hovuzlarida suvo‘tlarining 56 ta turi uchrashini ta’kidlaydi. [2,3,5].

O‘zbekistonda suv havzalari bo‘yicha ekologik–floristik yo‘nalishdagi tadqiqotlar A.M.Muzaffarov (1969), A.E.Ergashev (1974), X.A.Alimjanova (2007), A.E,Elmuratov, S.X.Xalilov, A.X.Xabibullayev, A.Temirov, X.E.Ergasheva, N.Eshmurodova, X.T.Erolova, B.A.Xolmirzayeva, M.Yuldasheva, Y.Toshpo’latov va K.Mamanazarovalar tomonidan olib borilgan.

A.E.Ergashev (1974) O’rta Osiyo sun’iy suv havzalari suvo‘tlari ekologik-floristik tahlilini o‘rgangan. Tadqiqotlar natijasida hammasi bo‘lib, 2681 ta tur va tur xillari aniqlangan bo‘lib, ulardan 540 tasi Cyanophyta bo’limiga mansub suvo’tlar ekanligi va ularning mavsumiy rivojlanishi to‘g‘risidagi ma’lumotlar ham

keltirilgan [3,8,9]. Muallifning xulosasiga ko‘ra aniqlangan turlarning ko‘pchiligi tadqiq etilgan havzalarda keng miqyosda tarqalgan.

A.M.Muzaffarov O‘rta Osiyoning ayniqsa, O‘zbekistonning turli gidrologik xususiyatli suv havzalarining algoflorasini sistematik tarkibi, ekologiyasi, geografiyasi bilan bog‘liq tadqiqotlarni boshlab berdi. Uning bu boradagi ilmiy tadqiqotlari O‘zbekistonda algologiya sohasida olib borilgan ishlarga katta asos bo‘lib xizmat qiladi.

A.M.Muzaffarov (1969) Zarafshon daryosining yuqori oqimi, Yangiobod, Aznabsoy, Fondaryo, Iskandar daryo, Jizzaxsoy, Dashtiqizilsoy, Mag‘iyondaryo, Shingdaryo, Norin, Manguzor, Iskandar ko‘llarini va suv yuvib turadigan qoyalar algoflorasini o‘rganish natijasida aniqlangan ja’mi 415 tur suvo‘t turlaridan 85 tasi Cyanophyta bo’limiga mansub bo’lgan. Aniqlangan turlarning ko‘pchiligi bentos, bentos-plankton formalar ekanligini qayd etgan. [4,5,7,8].

O‘rta Osiyoning tog’ suv havzalari suvo‘tlar florasini O‘rganish natijasida A.M.Muzaffarov (1970) gidrologik, ekologik omillarning majmui biologik xilma-xillikka katta ta’sir ko‘rsatishini ko‘rsatib berdi. O‘rganilgan suv havzalaridan 1826 turga mansub algoflora tarkibini aniqlanishi bu borada olib borilgan dala va laboratoriya sharoitidagi ishlarning keng ko‘lamli ekanligini bildiradi. Tog‘ sharoitidagi suv havzalarda aniqlangan algoflora tarkibida *Cyanophyta* bo‘limidan 291 turga mansub turni aniqlanishini muallif suvning minerallashuvi bilan bog‘laganligi alohida ahamiyat kasb etadi.

A.Muhamadiyev (1969) Farg’ona vodiysi sholipoyalarida o’tkazilgan gidrobiologik tadqiqot mobaynida 169 turdagi suvo’tlar o’rganilib ulardan 31 turi *Cyanophyta* bo’limiga mansub bo’lgan.

Sh.J.Tojiboyev (1973) Toshkent viloyatining tuproqlaridan 160 tur suvo‘tlarni aniqlagan, ulardan 14 tur atmosferadagi molekulyar azotni o‘zlashtiruvchilarga mansub bo‘lgan. Algoflorasi o‘rganilgan tuproqlardan bo‘z tuproqlar boshqalariga nisbatan turlarga boyligi, edofik omilning to‘q bo‘z tuproqlarda kuchliroq namoyon bo‘lishini ta’kidlaydi.

M.Shayimkulova (2007) Akbura daryosi algoflorasini o’rganish jarayonida ja’mi o’rganilgan 211 tur suvo’tlaridan 45 nasi *Cyanophyta* bo’limiga mansub bo’lgan. N.E.Rashidov (2007) tomonidan Buhoro viloyati kollektorlarining algoflorasi o’rganilganda aniqlangan 389 tur suvo’tlaridan 72 tasi *Cyanophyta* bo’limiga mansub bo’lgan. Y.Sh.Toshpo‘latov (2018) Zarafshon daryosi o‘rta oqimi algoflorasini o‘rgangan, suvo‘tlarining 331 tur va tur xillarini aniqlagan. Ulardan *Cyanophyta* bo’limi vakillari 64 ta turni tashkil qilgan.

X.Ergasheva (2017) tomonidan Andijon suv ombori algoflorasi tadqiq etilganda aniqlangan 418 turdan 107 tasi *Cyanophyta* bo’limiga mansubligi qayd etilgan.[15] Tahlillarimiz natjasiga ko’ra ular orasida toksik xususiyatga ega bo’lgan quyidagi *Microcystis aeruginosa (Kutz), Microcystis flos aqua, Coelosphaerium kuetzingianum Nägeli, Anabaena variabilis (Kützing ex Bornet), Trichormus rotundosporus (Hollerbach), Aphanizomenon flos-aquae (Ralfs ex Bornet), Nodularia spumigena (Mertens ex Bornet), Phormidium breve (Kützing Gomont), Kamptonema formosum (Bory ex Gomont), Leptolyngbya tenuis (Gomont)* turlar mavjudligi aniqlandi. M.Yuldasheva (2019) tomonidan Marg’ilonsoy-

Shoximardonsoy algoflorasi tadqiq etilganda [16] aniqlangan 308 turdan 22 tasi *Cyanophyta* bo'limiga mansub bo'lgan. Ular orasida *Oscillatoriya Vauch, Phormidium breve (Kützing Gomont)* kabi toksik xususiyatga ega bo'lgan turlar aniqlandi. Yu.To'xtaboyeva (2019) tomonidan Farg'ona vodiysi asosiy tip tuproqlari algoflorasi tadqiq [17] etilganda aniqlangan 159 turdan 63 tasi *Cyanophyta* bo'limiga mansub bo'lgan. Ular orasida toksik xususiyatga ega bo'lgan quyidagi *O.tenius* f.*turgistina* (Gomont ex Rabenhorst 1949) *Phormidium molle* f.*tenue* (Elenkin A.A-1949), *Anabaena oscillatorides* (Bory ex Bornet& Flahault-1886), *Anabaena spiroides* (Klebahn-1925), *Anabaena variabilis* (Kutzing ex Bornet& Flahault-1886), *Anabaena variabilis* f. *tenius* (Popova ex stearn-1973), *Tolypothrix tenius* (Kutzing ex Bornet& Flahault-1888) turlar mavjudligi aniqlandi.

A.M.Muzaffarov rahbarligi va bevosita ishtirokida suvo'tlarni maxsus qurilmalarda ommaviy ravishda ko'paytirib ularni qishloq xo'jalik hayvonlari, qushlar va ipak qurtini biostimulyatorlari sifatida foydalanish yo'lga qo'yilgan. G'o'za o'stirilayotgan atmosferadagi molekulyar azotni bog'langan holga aylantira oladigan ko'k-yashil suvo'tlarni solish tuproqdagi azot miqdorini 23-36,4 %, g'o'za hosildorligini 30,8 % gacha oshirish imkoniyatlarini bergan.

Hozirgi kunda O'zbekistonda algologiya fanining salmoqli rivojlanib borishida biologiya fanlari doktori, professor X.A.Alimjanovaning munosib hissasi va yetakchi daromadli o'rni bor. Uni Respublikamizdagi turli ilmiy ishlari ommabop nashrlarda e'lon qilingan. Ushbu sharximizda X.A.Alimjanovaning "Zakonomernosti rasprodelenie vodorosley basseyna reki Chirchik i ix znachenim v opredeleniy ekologo-sanitarnogo sostayanie vodoemov"(2007) monografiyasi algologiya sohasida o'z o'rniga ega.

Biz tadqiqot olib borayotgan Norin daryosi quyi oqimi havzasida hozirgi kunga qadar 212 turga mansub suvo'tlar o'rganilib, ulardan 60 tasi *Cyanophyta* bo'limiga mansub ekanligi aniqlandi. Aniqlangan turlar orasida sianotoksik xususiyatga ega bo'lgan *Leptolyngbya tenuis (Gomont), Dolichospermum spiroides (Kleb), Microcystis aeruginosa (Kutz), Phormidium breve (Kutz ex Gom), Oscillatoria tenuis, Kamptonema formosum (Bory ex Gom), Aphanizamenon flos-aqua (Ralfs ex Bornet)* kabi turlar uchradi.

Кескинлескен екологиялық апацҳылықтың тәсиринде ҳайўанат дүнясинда да терең екосистемалық өзгерислер болмақта. Көп түрли ҳайўанатлар бурыннан ийкемлескен жасаў орынларында тиришилик етиў мүкиншилиги қалмағанлықтан егислик зоналарына өтип кеңнен таралмақта. Солардың бири егеў қуйрық тышқаны (криса) болып, оба, туляремия, пастереллез кеселликлерин таратыўдан басқа, аўыл – хожалық егинлерине үлкен зиян келтирмекте.

60 – жылларда Арал теңизи ҳәм А'миўдәря өз муғдар режиминде турған дәўирде делтаның суў алмайтуғин қамыслықларында 2 млн егеў қуйрық жасап айрым орынларда олардың саны гектарына 40-200 басқа жеткен болса, ҳәзир соншелли егеў қуйрық егислик ҳәм басқа жерлерге таралып, тоғайлық, жоңышқалықларда, шалы атызларының шеллерин жағалап, суўғарыў жап-каналларының бойларында бақшалар менен бағларда, дүкәнларда, хожалық амбарларында, турақ жайлардың дийўалы менен еденлеринде ин қазып олардың зиянының муғдары шексиз артпақта.

Тышқанлардың бул түри тийкарынан қамыстың порығы, мийўе, ақтерек ҳәм тағы басқа ағашлардың, жоңышқаның тамырлари менен аўқатланғанлықтан ол жасаған жерлерде үзликсиз инлер дизбеги бир-бири менен тутасып оның кирип шығыў тесиклери өсимлик тамырына жақын болып, ол тек жасаў, паналаў орны болып қоймастан, жер астында аўқатланыў, они излеў жолы хызметинде атқарады. Бир егеў қуйрық күн – түн тәўлигинде 15 метр узынлықта ин қазып, бир жылда бир гектар жердиң бетине 20 тонна топырақ шығарады. Бул тышқан жасайтуғын жайлаўларда, атызларда мал отин таярлаўда техниканы қолланыўға үлкен кесент береди. Каналларды, қашыларды тесип суў хожалығына да әдеўир зиянын тийгизеди.

Егеў қуйрық тышқаны бизиң жеримизде таралған тышқанлардың ең ирилеринен болып, денесиниң узынлиғы 20 см, салмағы 400 гр, түри қара-қоңыр, жүни ири келеди, улыўма ондатраға уқсас. Жыл бойына үзликсиз көбейип, ҳәр бир ана егеў қуйрық кеминде 2-6 баладан 4-5 мәрте туўады. Соның ушында олар тез көбейип зияны соншелли артады.

Бизиң ис тәжирийбемизде Шымбай, Кегейли, Нөкис, Қоңырат, Хожели, А’миўдәря раёнларының, Тахиатас, Нөкис қалаларының айрым хожалықларынан ҳәм жеке пухараларынан егеў қуйрықтың келтирген зиянлары – хожалықлардың амбардағы жемлерин патаслаў, бүлдириў, мийўе бағларының, жоңышқаның тамырын жеп қыйратыў, турақ жайлардың дийўалларын тесип ин қазып қулатыў, дөгерегине егилген 4-5 жыллық ақ тереклердиң тамырын қыйып қуўратыў, бақша-палыз егинлерин бүлдириў, жер асти байланис кабеллерин қыйыў қусаған зиянларына байланыслы түскен арзалар бойынша обаға қарсы мекемениң зоологлары тәрепинен нәтийжели жәрдемлер көрсетилди. Бүгинги күни бундай зиянларға ушырап атырған хожалық ҳәм жеке пухаралар саны өспекте. Мысалы тек 2000-2008 жыллардың өзинде усындай зиянға ушырап жәрдем сораған тек бизлерге түскен арзаның саны 130 дан асып кетти. Ҳәзирги базар экономикасына өтиў қыйыншылықлары усындайда жәрдем көрсетиўши мекемелердиң жағдайларында аўырластырып жиберди. Соған қарамастан 2008-жылда Саранча, Саманбай, РесПО посёлкалардын турғынларына бийпул жәрдем көрсетилип егеў қуйрықтан қутқарылды.

Усы гәп етилип отырған егеў қуйрық тышқанының х`ожалықларды тынышсызландырыўы Нөкис қалалық ҳәкиминиң дыққатына сазаўар болды ҳәм усы тараўда хызмет көрсетиўши санитариялық мекемелерге усы мәселе бойынша тийисли тапсырма берилди.

Бүгинши екологиялық апацхылық, ҳәдден тысқары төменлеп кеткен санитариялық жағдайда, өзимиз тиришилик етип атырған орталықты қорғаў ҳәм таза сақлаў мақсетинде мүмкиншилиги болғанинша ҳәр түрли зиянкес ҳайўанатларға, жәнликлерге қарсы гүресте уўланған химиялық бирикпелерди пайдаланбай, олардың орнына зиянсыз Қарақалпақстан обаға қарсы филиалының зоология лабораториясының көп жыллық ис тәжирийбеси тийкаринда төмендеги методларды усыныс етиледи`

Пайдаланған әдебиятлар

13. Андрушко А.М. Деятельность грызунов на сухих пастбищах Средней Азии. Ленинград.1939.
14. Андрушко А.М., 1939. Деятельностьгрызунов на сухих пастбищах Средней Азии, Ленинград.
15. Аргиропуло А. И. Сем. Муридае. Грызуны Средней Азии. М.-Л 1936.
16. Аргиропуло А.И. 1936. Сем. Муридае. В книге «Грызуны Средней Азии», М.-Л.

ARQA-BATÍS QÍZÍLQUMNÍŃ QUMLÍ SHÓLLERINDE ÓSETUǴÍN AYÍRÍM EDIFIKATOR ÓSIMLIKLER

M.A.Karlıbaeva-Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı
Botanika qánigeligi 1-kurs tayanısh doktorantı

Hárbir aymaqtıń ózine tán ósimlikler qaplamı boladı. Shól, adır, taw, jaylawlar óz aldına ósimlikler hár qıylılıǵına iye. Sol qatarı Arqa-batıs Qızılqum aymaǵınıń da óz

aldına ósimlikler dúnyası bar. Arqa-batıs Qızılqumda qumnıń 3 tipinde: qumlı, gipsli hám solonshak jerlerde ústinlik qılǵan 36 edifikator ósimlik túri dizimge alınǵan. Solardan 16 túri qumlı shólde ushırasadı [4]. Qumlı shól basqa ekologiyalıq shól túrlerine salıstırmalı tolıq kóp yaruslı associaciyalar menen ańlatıladı, olar joqarı yarusta (aq seksewil, sherkez), ekinshi hám úshinshi yaruslarda iri putalar hám yarım putalar barlıǵı menen táriyplenedi, (qandim, juwsan), tórtinshisi kóp jıl ósiwshi shópler - selinler hám besinshi shóp tárizli ósimliklerde (efemer, efemeroidlar) [3]. Edifikatorlar bular fitocenozdaǵı áhmiyetli ósimlikler bolıp esaplanadı hám onıń tiykarın dúzedi. Endi tómende olardıń ayırımlarına toqtalıp ótiledi.

Haloxylon persicum yaǵnıy, aq seksewil soralar tuqımlasına jatatuǵın qumlı shóldiń tiykarǵı ósimligi esaplanadı. Boyı 3-4 metr ge shekem jetedi. Oraylıq Aziyanıń hám Qazaqstannıń qumlı jerlerinde tarqalǵan [4]. Ol qumdı bekkemlewshi, taninli ham ot-jemlik ósimlik esaplanadı [2]. Tiykarınan bekkem tamır sistemasına iye bolıp kóshpe qumlardı bekkemlewde úlken rol oynaydı. Qoylar, túyeler ushın tiykarǵı azıq esaplanadı. May ayında gúlleydi, miywelewi sentyabr ayında boladı.

Ammodendron conollyi yaǵnıy, qoyansúyek boyı 3 metrge jetetuǵın qumlı shóldiń tiykarǵı ósimliklerinen biri esaplanadı [4]. Qumdı bekkemlewshi, tanninli, tiykarǵı maylı, dárilik, alkaloidli ósimlik [2]. Tiykarınan Oraylıq Aziya hám Qazaqstanda keń tarqalǵan. Ot-jemlik qásiyeti tómen. Biraq, qumdı bekkemlewshi ósimlik hám de kóbirek alkaloidlarǵa iye.

Xylosalsola richteri yaǵnıy, aq sherkez Orta Aziyanıń qumlı shóllerinde keń tarqalǵan boyı 3 metrge jetetuǵın ósimlik. Japıraqları uzın, iyne tárizli. May ayınıń ekinshi yarımınan keyin gúlleydi. Gúlleri mayda, tómennen joqarıǵa qaray ashıladı. Miyweleri qanatshalı hám oktyabrde teriledi. Bul ósimlik bahalı ot-jemlik ósimlik bolıp, túyeler, qoylar tárepinen súyip jelinedi. Aq sherkez fitomeliorant ósimlik sıpatında da júdá úlken áhmiyetke iye. Tamır sisteması jaqsı rawajlanǵan, ashıq qumlarda ósedi. Tuqımı hám de qálemshesi járdeminde kóbeyedi.

Aq sherkezdiń ósiwi hám rawajlanıwı mádeniy shárayatta úyrenilgen. Onıń gúllew hám miywelewin úyreniw boyınsha alıp barılǵan izertlew nátiyjeleri Qızılqumnıń Qaraqalpaqstan bóliminde mádeniy shárayatta birinshi jıldıń ózinde miywelewin, gúllew bolsa may-iyun hám sentyabr aylarında, jalpı gúllew 1 den 20 - iyunǵa shekem ekenligin kórsetedi [1].

Bul ósimlikler Arqa-batıs Qızılqumnıń qumlı shóllerinde kóp ushıraytuǵın tiykarǵı edifikator ósimlikleri qatarına kiredi. Bulardan tısqarı kóplegen ósimliklerdi keltirip ótiwimiz múmkin.

Paydalanılǵan ádebiyatlar:

1. Балтабаев М.Т., Ембергенов М.Е. Рост и развитие Salsola richteri в условиях культуры Каракалпакской части Кызылкума. Вестник науки и образования № 4(58). Часть 2. 2019. 14-bet.
2. Kaipov K.P. Ecological groups of desert plants in Nukus city area, Northwestern Kyzykum EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal. Volume: 8. Issue: 11. November 2022. p.121-126.
3. Ortikova L.S., Esankulova D.S., Soliyeva G.D., Ibragimov I.E. Diversity of ecological conditions of the Kyzylkum desert with pasture phytomelioration. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 10, 2020 ISSN 2056-5852 p. 34-41.

4. Туремуратов У. Растительный покров Северо-Западных Кызылкумов Издательство «Фан» Узбекской ССР Ташкент-1978. С. 34.

JER RESURSLARÍNÍŃ KÓBEYIWI HÁM AZAYÍWÍNA ALÍP KELETUǴÍN PROCESSLER

Q.Abdinasırov-Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı Geografiya hám ekonomikalıq bilim tiykarları tálim baǵdarınıń 4-kurs studenti,
A.Qarlıbayev-Qaraqalpaqstan awıl-xojalıǵı hám agrotexnologiyalar institutı 2-kurs magistrantı

Mámleketimizde keyingi jıllarda bárshe tarawlarda reformalar ámelge asırılıp atırǵanı sıyaqlı jer resursların belgili bir anıq maqsetlerde, nátiyjeli paydalanıw boyınsha da bir qansha ózgerisler ámelge asırılıp atır. Xalıq sanınıń kóbeyip barıwı olardıń jer resurslarına, azıq-awqatqa bolǵan talabın da arttıradı. Kúndelikli turmısta paydalanıp atırǵan jemislerimizdiń bárshesin jerden óndiremiz. Sonlıqtan jerden aqılǵa muwapıq paydalanıw hárbirimiz ushın paydalı hám erteńgi keleshegimiz ushın zárúr.

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2019-jıl 17-iyundaǵı “Awıl xojalıǵında jer hám suw resurslarınan nátiyjeli paydalanıw shara-ilajları haqqında”ǵı 5742-sanlı pármanında mámleketimizde baǵlar, júzimzarlar, balıq háwizleri hám teplicalar qurıwǵa jer ajıratıw tártibin belgilew, paydalanıwdan shıǵıp ketken jerlerde gidroponika, vertikal fermalar usılında teplicalar qurıwdı qollap-quwatlaw, awıl xojalıǵında topıraqtan ónimli paydalanıw texnologiyaların endiriw, awıl xojalıǵına mólsherlengen jerlerdiń ónimdarlıǵın asırıwdı támiyinlewdi mámleket tárepinen qollap-quwatlaw mexanizmlerin belgilew keltirilgen [1]. Insaniyattıń paydalanıp otırǵan bárshe azıqlıq ónimleri jerden óndirilgenligi sebepli awıl xojalıǵında jer resurslarınan únemli paydalanıw júdá áhmiyetli.

Jer resurslarınan paydalanıw suw dereklerine, qazılma baylıqlar zapasına, hawa basseynine, ósimlik hám haywanat dúnyasına tuwrıdan-tuwrı tásir etedi [3]. Jer resurslarınan orınsız paydalanıw nátiyjesinde olardıń tiri organizmler dúnyasına zıyan jetkerip alıw múmkin. Bul óz gezeginde onıń jaramsız halǵa kelip qalıwına sebep boladı.

Jer resurslarınıń kóbeyiwine hám azayıwına alıp keletuǵın bir qansha processler bar. Tómende olarǵa toqtalıp ótiledi. Jer resurslarınıń kóbeyiwine alıp keletuǵın processler qatarına tıń jerlerdiń ózlestiriliwi, shólistanlıqlarda suw shıǵarıw arqalı egin egiwdi ámelge asırıw, shorlanǵan maydanlardıń duzların juwıp egislik jer halatına keltiriw sıyaqlılar kiredi. Mine bul sıyaqlı processler nátiyjesinde adamlar paydalanıwı hám óz mútájliklerin qandırıw ushın zárúr ónimlerdi óndiriwi ushın keń jer resurslarına iye bolınadı.

Jer resurslarınıń azayıwına alıp keletuǵın processler qatarına topıraq juwılıwı, yaǵnıy eroziya, jerlerdiń shorlanıwı, qala hám awıl jerleriniń ózlestiriliwi, sanaat, transport qurılıslarınıń keńeyiwi sıyaqlılar kiredi.

Topıraq juwılıwı báhár aylarında bolatuǵın jawınlardıń tezligine hám turaqlılıǵına, muǵdarına baylanıslı boladı, sonday-aq topıraqtıń mexanikalıq quramına da

baylanıslı esaplanadı. Qum hám qumlaq jeńil quramlı suwdı jaqsı ótkeretuǵın topıraqlarda eroziya pás boladı, kerisinshe mexanik quramı awır, strukturasız topıraqlarda eroziya tezlesedi [2]. Topıraq juwılıwı tiykarınan tawlı aymaqlarda kóbirek baqlanadı. Sebebi, hawa ıǵallıǵı bir qansha joqarı, sonlıqtan jawın-shashın tez-tez bolıp turadı. Sońǵı waqıtlarda awıl hám qala jerleri keńnen ózlestirilip atır. Bul orınlarda sanaat kárxanaları salınıp, transport qurılısları ámelge asırılmaqta. Bul óz gezeginde xalıq paydalanıp otırǵan jer resurslarınıń qısqarıwına sebep boladı.
Juwmaqlap aytqanda, jer resursları insaniyat ushın júdá zárúr, turmısta qollanıp otırǵan hárbir azıq-awqatlıq ónimler jerden óndiriledi. Sonlıqtan onnan únemli hám nátiyjeli paydalanıw kerek.

Paydalanılǵan ádebiyatlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 17-iyundagi “Qishloq xo‘jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-5742 son farmoni.
2. M.I.Axmedov Suv eroziyasi va unga qarshi kurashish “Talqin va tadqiqotlar” Respublika ilmiy-uslubiy jurnali №7 B. 9-17.
3. S.J. Azimova., M.A.Asatova “Yer resurslaridan foydalanishning iqtisodiy, huquqiy asoslari va muammolari” Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 ISSUE 11 2021. p. 866-870.

СУЛТОН УВАЙС ТОҒИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ШАКЛЛАРИ

Есемуратова Р.Х., Мырзабаев Т.Б. (ҚДУ)

Флоранинг таҳлилини амалга оширишда турларнинг ҳаётий шакллари муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ўсимликларнинг атроф-мухитнинг асосий омилларига нисбатан морфологик мосланишлари ва аниқ бир яшаш тарзи организмларнинг хаётий шакллари дейилади [1].

Тадқиқотлар давомида ўсимликларнинг ҳаётий шакллари бўйича таҳлили С. Raunkiaer таснифи бўйича (1934) амалга оширилди [2]. Мазкур таснифи - ўсимликларда янгиланиб турадиган органларининг, айниқса, куртакнинг жойлашишига ва уларнинг қишнинг ноқулай шароитидан сақланишига ёки қурғоқчиликдан ҳимояланишига асосланади. Ана шу белгига асосланиб, ўсимликларнинг ҳаётй шакллари 5 та гуруҳга бўлинган.

Султон Увайс тоғида тарқалган юксак ўсимликларнинг ҳаётий шакллари кўра, фанерофитлар – 45 та, хамефитлар – 42 та, гемикриптофитлар – 118 та, криптофитлар – 30 та ва терофитлар – 291 тани ташкил қилади. Бунда Equisetopsida синфидан 1 тур, Gnetopsida - 5 тур, Eudicots - 433 тур, Monocots – 87 тур билан иштирок этиши қайд этилди [3].

1. Фанерофитлар (Ph) - “фанерос” юнонча яққол кўриниб турувчи деган маънони англатади. Булар дарахт ва буталар ҳисобланиб, уларнинг куртаклари ер юзидан анча баландликда жойлашган бўлади. Мазкур турларнинг новдалари қишда сақланиб қолади ҳамда қишнинг совуқ шароитида қуриб қолиши кузатилмайди. Султон Увайс ҳудудида фанерофитлар 45 турдан иборат бўлиб, айрим мазкур тоифадаги турлар қуйидагилар: *Ephedra distachya, Ephedra lomatolepis, Clematis orientalis, Ammodendron conollyi, Halimodendron halodendron, Elaeagnus angustifolia, Salix alba, Nitraria schoberi, Tamarix elongata, Tamarix leptostachys, Calligonum leucocladum, Calligonum microcarpum* ва бошқалар.

2. Хамефитлар (Ch) - “хаме” - паст, ер бағирловчи маъносини беради. Мазкур турларга майда ва чала бутачалар киритилиб, уларнинг куртаклари ер юзасига яқин жойлашади. Сирти қалин тангачалар ҳамда қишда эса қор билан қопланади, новдалари сакланиб қолади, флора таркибида 42 тур шу тоифага мансуб. Булардан айримлари *Reaumuria turkestanica, Anabasis aphylla, A. salsa, Arthrophytum lehmannianum, Bassia prostrata, Caroxylon gemmascens, Halostachys belangeriana, Halothamnus subaphyllus, Kalidium caspicum, Xylosalsola chiwensis, Convolvulus erinaceus, C. hamadae* сингари турлар киради..

3.Гемикриптофитлар (НК) - “геми” - ярим, “криптос” – яширин деган маънони беради. Булар кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар ҳисобланади. Куртаклари ер сатҳи билан баравар жойлашади. Тўкилган барг ва қуриган новдалар билан ҳимояланган бўлади. Ер устки массаси қишда қуриб қолади. Флора таркибида 130 тур гемикриптофит ҳисобланади. *Convolvulus subhirsutus, Eminium lehmanii, Alisma plantago-aquatica, Butomus umbellatus, Juncus compressus, Bolboschoenus maritimus, Calamagrostis dubia, Centropodia forskaolii, Cynodon dactylon, Eremopyrum triticeum, Puccinellia distans, Stipa aktauensis, Stipagrostis karelinii, Zygophyllum miniatum, Alhagi pseudalhagi, Potentilla supina, Geranium transversale, Peganum harmala, Capparis spinosa* ва бошқа шу каби турлар.

4. Криптофитлар (К) - “криптос” - яширин деган маънони беради. Кўп йиллик ўт ўсимликлари бўлиб, ер устки органлари қишда бутунлай қуриб колади. Янгиланувчи куртаклари ер остида, ҳар хил чукурликда, ер остки органларида, яъни туганаклар, илдизпоялар, пиёзбошларида сақланиб қолади. Флора таркибида 30 тур криптофит. Булардан арйимлари *Gagea bergii, Tulipa buhseana, Tulipa sogdiana, Iris longiscapa, Iris songarica, Allium caspium, Allium sabulosum, Carex physodes, Ferula foetida, Prangos ammophila, Zosima absinthifolia* ва бошқалар.

5. Терофитлар (Th) – “теро” – ёз деган маънони беради. Бир йиллик ўсимликлар бўлиб, уларнинг ер остки ва устки органлари қишда қуриб колади, факат уруғларигина қишлаб чиқади. Уруғи ёрдамида кўпаяди. Уруғларигина қиш ва қурғоқчиликка чидамли бўлади. Флора таркибидаги 291 тур мазкур ҳаётий шаклга мансуб турлар. Флора таркибида *Aegilops cylindrica, Avena fatua, Bromus danthoniae, Echinochloa crus-galli, Eremopyrum orientale, Poa annua, Crypsis schoenoides, Vulpia villosa, Hypecoum pendulum, Adonis parviflora, Delphinium rugulosum, Astragalus ammophilus, Astragalus remanens, Medicago minima, Trigonella grandiflora, Chrozophora sabulosa, Euphorbia turczaninowii, Hibiscus trionum, Alyssum turkestanicum, Abutilon therophrasti*, *Brassica campestris* ва бошқа турлар учрайди.

Маълумки Султон Увайс тоғи Қизилқум ҳудудида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда йиллик ёғин миқдорининг кам эканлиги, ҳудуд иқлимининг ўзига хослиги, қишнинг совиб кетиши ҳамда ёзнинг жазирама бўлиб кетиши флора таркибидаги турларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари йил давомида мунтазам равишда кучли шамолнинг эсиб туриши ўсимликларнинг уруғ ёрдамида бир маромда тарқалишига имкон

бермайди. Баъзи бир йилларда арид чўл минтақаларида тарқалган турларнинг кўпчилиги ривожланиш циклини ва вегетация даврини (асосан поликарплар ва кўп йиллик монокарпларда) кескин қисқартиради ҳамда тупроқнинг чуқур қатламида заҳира озиқ моддаларини тўпловчи органларга эга бўлади. Ксерофит турлар орасида баъзилари намликнинг етишмаслиги туфайли ҳосил бўладиган ноқулай шароитларига мослашиш хусусиятларига эга. Масалан *Tulipa* ва *Allium* турлари йил давомида етарли ёғин миқдори ёки ҳарорат бўлмаса, ўсимликнинг генератив босқичга ўтиши кузатилмайди. Мазкур жараёнда ўсимликлар фақатгина барг орқали вегетациясини ниҳоясига етказади.

Турларнинг ҳаётий шакллари кесимидаги таҳлили амалга оширилганда, Султон Увайс флорасида терофит ўсимликлар улуши юқори эканлиги қайд этилди. Мазкур флорада терофит ўсимликлар 26 оила, 160 туркумга мансуб 291 турдан иборат. Мазкур турлар умумий флоранинг 55,32 % ини ташкил қилади.

Мазкур қолдиқ тоғда тарқалган терофит турларнинг асосий қисми Amaranthaceae (65 тур), Brassicaceae (49), Asteraceae (45), Poaceae (29) ва Boraginaceae (29) оиласи вакиллари улушига тўғри келади. Флора таркибидаги *Juncaceae, Berberidaceae, Zygophyllaceae, Cleomaceae, Mazaceae Portulacaceae, Apiaceae* оиласи вакиллари биттадан тур билан иштирок этади. Туркумлар кесимида ҳам ушбу кетма-кетликни кўришимиз мумкин.

Турлар сони бўйича навбатдаги ўринни гемикриптофитлар эгаллайди. Булар 29 оила, 74 туркумга мансуб 118 турдан иборат. Гемикриптофит турлар умумий флорадаги турларнинг 22,43 % улушини эгаллайди. Бизгача, маҳаллий флораларни ўрганишга қаратилган аксарият тадқиқотларда гемикриптофитлар улуши устунлик қилиши қайд этилди. Маълумки, Қизилқум чўллари иқлими кескин континентал бўлиб, қишда ҳавонинг бирдан совиб кетиши ёки аксинча ёз ойларида ҳароратнинг кескин ортиб кетиши натижасида, ўсимликларнинг ривожланиши ва вегетациясида қатор ўзгаришлар юзага келади. Баҳор ойларида йиллик ёғин миқдорининг кўп бўлиши ҳамда ҳароратнинг оптимал даражага етиши натижасида терофит ўсимликларнинг ортиб кетиши кузатилади. Бу жараёнда гемикриптофит ўсимликлар умумий турларда етакчиликни бериб қўйишига сабаб бўлади. Лекин аксарият ҳолларда бу вақтинчалик ҳодиса ҳисобланади.

Флора таркибида гемикриптофит турларнинг асосий улушини Poaceae (24 тур), Asteraceae (20), Fabaceae (17), Caryophyllaceae (7), Brassicaceae (6) оиласи вакиллари эгаллайди. Araceae, Butomaceae, Potamogetonaceae, Rosaceae, Geraniaceae, Nitrariaceae, Capparaceae, Plumbaginaceae, Polygonaceae, Rubiaceae ва бошқа оилалар фақатгина 1 туркум ва 1 тур билан иштирок этади.

Навбатдаги ўринда фанерофит турлар жойлашган бўлиб, мазкур турлар Султон Увайс флораси таркибида 14 оила, 21 туркумга мансуб 45 тур билан иштирок этади. Мазкур турлар умумий флоранинг 8,55 % ини ташкил қилади. Асосий турлар Polygonaceae (10 тур), Tamaricaceae (7), Ephedraceae (5),

Salicaceae (5) ва Amaranthaceae (5) оилалари улушига тўғри келади. Мазкур оилалар таркибидаги турлар, умумий фанерофит турларнинг 71,1 %ини ташкил қилади. Ranunculaceae, Rosaceae, Elaeagnaceae, Ulmaceae, Thymelaeaceae ва Solanaceae вакиллари фақатгина 1 туркумга мансуб, 1 та тур билан иштирок этиши аниқланди.

Флорадаги хамефит турлар таҳлили шуни кўрсатадики, Султон Увайс тоғи ҳудудида уларнинг 11 оила, 23 туркумга мансуб 42 та тури учраши кузатилди. Улар умумий флоранинг 7,98 % ини ташкил қилади. Флора таркибида хамефит турларнинг энг кўп улуши Amaranthaceae (19 тур), Convolvulaceae (5), Fabaceae (4), Asteraceae (4) оиласи вакилларига тўғри келиши қайд этилди. Мазкур 4 оиладаги хамефитлар умумий флорадаги турларни 6,08 %, хамефит турларнинг эса 76,1 %ини ташкил этади.

Турларнинг ҳаётий шакллари таҳлилига кўра, энг кам тур билан криптофит ўсимликлар иштирок этиши аниқланди. Мазкур хилдаги турлар 9 оила, 14 туркумга мансуб 30 турдан иборат. Улар умумий флоранинг 5,70 % ини ташкил қилади. Liliaceae, Amaryllidaceae ва Apiaceae оиласи вакиллари 6 тадан тур билан иштирок этиб, умумий криптофит турларнинг 60 %ини ташкил қилади. Аксарият оилалар 2 тадан тур билан иштирок этиши қайд этилди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Рахимова Т.Т. «Ўсимликлар экологияси ва “Фитоценология” фанларидан методик қўлланма. – Тошкент, 2009. – 69 б.
2. Raunkiaer C. The life form of plants and statistical plant geography. – Oxford, 1934. – 632 p.
3. Есемуратова Р.Х. Султон Увайс тоғи флораси: Автореф. дис. ... биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). –Тошкент, 2022. – 20. б.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАБИИЙ ШАРОИТИДА *ANACANTHOTERMES* АВЛОДИ ТЕРМИТЛАРГА ҚАРШИ УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН КУРАШНИНГ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Қалилаева Б.Р., Жугинисов Т.И., Илъясова Г.Ж., Исаев Р.Т.
Қорақалпоқ давлат университети

Қорақалпоғистоннинг табиий шароитининг деярли барча ўринлари қуриқликлардан ташкил топиб, қумли ҳудудлар бўлиб, иқлими ёзда ҳаддан ташқари иссиқ ҳаво бўлганлиги туфайли термитлар учун қўлай ўринлар ҳисобланади, зараркунанданинг тарқалиши табиатда жуда кенг, ҳар хил экологик муҳитларда жамоа ҳосил қилиб ҳаёт кечиради, асосан тўқайзорларда, дашт ва ярим саҳроларда ҳамда тоғ этакларидаги ерларда кўп кузатилади. *Anacanthotermes* (Jacobs) авлодига мансуб 2 та тур: Туркистон ва Катта Каспий орти (*A.turkestanicus* Jacobs., *A.ahngerianus* Jacobs.) термитларнинг антропоген-трансформацияланган ҳудудларда тарқалиши тиккалай инсониятнинг имкониятлар доирасига боғлиқлиги маълум [1; 2; 3].

Тадқиқот ишларида дала шароитида *Anacanthotermes* (Jacobs) авлодига мансуб Катта Каспий орти (*A.ahngerianus* Jacobs.) термитига нисбатан биологик восита *Beauveria tenella* ВД-85 штамми, кимёвий препаратлардан “*Sermit* (20%) сус. к.”, “*Пиралакс-Люкс*” ва маҳаллий хомашё “*Олигомер суперпластификатор*” аралашмасидаги қўллашда дастлаб, зараркунанданинг яшаш уялари танлан олинди ва озуқаларини ўрнатиш ишлари олиб борилди, шунингдек, уялардаги термитларнинг дастлабки сонлари таҳминий ҳисобга олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Табиий шароитда *Anacanthotermes* (Jacobs) авлодига мансуб Катта Каспий орти (*A.ahngerianus* Jacobs.) термитига нисбатан биологик восита *Beauveria tenella* ВД-85 штамми, кимёвий препаратлардан "*Sermit* (20%) сус. к.", "*Пиралакс-Люкс*" ва маҳаллий хомашё "*Олигомер суперпластификатор*"нинг биологик самарадорлиги

№	Биологик восита, кимёвий препаратлар ва маҳаллий хомашё	Уялардаги термитлар сони	Кунлар ҳисобида нобуд бўлган термитлар сони			Биологик самарадорлик (тирик термитлар сони ва %)	
			30 кун	60 кун	90 кун		
1	*Beauveria tenella* ВД-85 штамми ($1*10^7$)	1676,4±3,1 (100%)	260,3±1,1	811,7±1,8	1253,5±0,9	422,9±0,5	74,7%
2	*"Sermit* (20%) сус. к."	1805,9±4,2 (100%)	278,5±1,3	976,8±1,9	1497,1±0,8	308,8±0,1	82,9%
3	"*Пиралакс-Люкс*"	1876,2±3,1 (100%)	297,3±1,4	998,9±2,2	1686,5±0,9	189,7±0,1	89,8%
4	"*Олигомер суперпластификатор*"	2005,2±3,5 (100%)	304,5±1,4	517,7±2,1	1602,7±0,8	402,5±0,2	79,9%
5	Назорат	2201,4±4,2 (100%)	-	-	-	-	100%

Эслатма: (n=3, M±m: назоратга нисбатан тўғрилилик P<0,01)

Табиий шароитда *Anacanthotermes* (Jacobs) авлодига мансуб Катта Каспий орти (*A.ahngerianus* Jacobs.) термитига нисбатан биологик восита *Beauveria tenella* ВД-85 штамми, кимёвий препаратлардан "*Sermit* (20%) сус. к.", "*Пиралакс-Люкс*" ва маҳаллий хомашё "*Олигомер суперпластификатор*" нинг биологик самарадорлигини ўрганиш жараёнида тажирибалар амалга оширилгандан 30 кун ўтиб, ҳар бир препарат учун биттадан термит уялари ковланиб, термит табақаларининг сонлари ҳисобга олинди. Бунда, биологик восита *Beauveria tenella* ВД-85 штамми ($1*10^7$) аралашмаси ишлатилган уяларда термитлар сони ўртача 1676,4±3,1; (100%) этиб олинди. Тажириба давомида биологик воситанинг таъсирчанглигини ўрганганимизда 30 куни 260,3±1,1; 60 куни 811,7±1,8; 90 куни умумий ҳисобда 1253,5±0,9 термит табақаларнинг кунлар ҳисобида нобуд бўлганлиги маълум бўлди, биологик самарадорлик тирик зараркунанда нисбатан 422,9±0,5/74,7% эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқотлар давомида кимёвий препаратларда *Sermit* (20%) сус. к., "*Пиралакс-Люкс*" аралашмасидаги озуқаларни синаш ишларида умумий ўртача термитлар сони 100% лик кўрсаткичларда 1805,9±4,2/1876,2±3,1 ташкил этди. Кимёвий препаратларнинг термитларга нисбатан таъсирчанглиги асосида кунлар ҳисобида нобуд бўлиши 30 куни *Sermit* (20%) сус. к., аралашмасидаги озуқаларида да 278,5±1,3; "*Пиралакс-Люкс*"да 297,3±1,4; 60 кунга келиб 976,8±1,9/998,9±2,2; 90 куни бу кўрсаткич 1497,1±0,8/1686,5±0,9 бироз ўсканлиги маълум бўлиб, тирик термитлар сони 308,8±0,1/189,7±0,1 ташкил этиб, биологик самарадорлик 82,9%-89,8% эканлиги аниқланди.

Маҳаллий хомашё сифатида олинган "*Олигомер суперпластификатор*" нинг термитларга нисбатан таъсирчанглигини ўрганишимизда дастлабки уядаги зараркунанданинг сонининг умумий ўртача кўрсаткичи 2005,2±3,5 (100%) бўлиб, тажириба давомида нобуд бўлган термитлар сони 30 куни 304,5±1,4; 60 куни 517,7±2,1; 90 куни 1602,7±0,8 эканлиги маълум бўлди. Биологик самарадорлик эса тирик термитларга нисбатан 402,5±0,2/79,9% ташкил этди.

Умуман олганда, илмий ишлар натижаларига кўра термит уяларини ковлаш жараёнида кимёвий препарат "*Пиралакс-Люкс*" ва маҳаллий хомашё сифатида олнган "*Олигомер суперпластификатор*" асосидаги заҳарли ем-хўраклар зараркунанда тамонидан тўлиқ деярли ташиб кетилган, аммо заҳарли ем-хўраклар истеъмол қилинмасдан озуқа йиғиш ўринларида сақланиши қайд этилди. Бу ҳолатда "*Пиралакс-Люкс*" ва "*Олигомер суперпластификатор*"нинг уядаги термитларга нисбатан аттрактантлиги сезилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хамраев А.Ш., Жугинисов Т.И., Ханзафарова Н.В. Термиты южного приарлья Узбекистана // Вестник Каракалпакского отд. АН РУз. -Нукус, 2004. -№ 1-2. -С. 22-24.

2. Хамраев А.Ш. ва б. Термитларга карши профилактика ва кураш тадбирий чоралари. -Тошкент: Вақтинчалик услубий қулланма, 2001. 36 б.

3. Лебедева Н.И., Жугинисов Т.И., Абдуллаев И.И., Удрит Е.В. Токсичность крашенного корма для термитов *Anacanthotermes Узбекистана* // Тезисы докладов Международного семинара: «Термиты Центральной Азии: биология, экология и контроль» . – Ташкент, 2005. - С. 33 - 34.

ANACANTHOTERMES АВЛОДИ ТЕРМИТЛАР ЗАРАРИДАН БИНОЛАРНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Жугинисов Т.И. Қорақалпоқ давлат университети
Қалилаева Б.Р. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистон шароитида кейинги 20-30 йил давомида *Anacanthotermes* (Jacobs.) авлодига мансуб 2 та тур: Туркистон ва Катта Каспий орти (*A.turkestanicus* Jacobs., *A.ahngerianus* Jacobs.) термитлари ўз ареалини кенгайтириб аҳоли хонадонлари, қишлоқ хўжалиги бинолари ва ҳатто тарихий обидаларга катта зарар етказмоқда. Кузатувлар натижасида, асосан, биноларда кўпинча Туркистон термитининг уяси қайд этилган бўлиб, улар бинонинг ер остида беркитилган ҳолда яширин ҳаёт кечириб, ташқаридан деярли билинмайди [1; 2].

Тадқиқотларимиз Кегайли тумани, Ичан-қаъла тарихий зиёратгоҳида илмий тадқиқот тажрибасида термитлар зарарига қарши курашнинг профилактик чора-тадбирлари амалга оширишда бир қанча ишлар бажарилди. Тажриба учун дастлаб, Ичан-қаъла тарихий зиёратгоҳининг термитлардан зарарланиш даражаси бўйича мониторинг ишлари олиб борилганда, бинонинг Ғарбий қисмида қибиристоннинг мавжудлиги аниқланди, шунингдек, иморатнинг ички, ташқи қисмлари тўлиқ термитлар билан 70-80% зарарлангани аниқланди. Сўнгра, бинонинг ташқи қисмида физик-механик (бинонинг айлана атрофидан сув ариғини олиш, агроценоз экин майдонларига айлантириш) амалий ишлари олиб борилди (4.3.1.-расм), ички қисмига эса ЎзР ФА Зоология институти ҳузуридаги “Республика термитларга қарши курашиш Маркази” Давлат унитар кархонаси тамонидан таклиф этилган кимёвий препарат *Sermit* (20%) сус. к., аралашмасидаги заҳарли ем-хўраклар синовдан ўтказилиб, биологик самарадорлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Кегайли тумани, Ичан-қаъла тарихий зиёратгоҳида *Anacanthotermes* (Jacobs.) авлодига мансуб термитларига нисбатан *Sermit* (20%) сус. к., аралашмасидаги заҳарли ем-хўракларнинг биологик самарадорлиги

№	Кимёвий препарат номи	Препарат концентра-циялари	Ем-хўракнинг оғирликлари (г)			Биологик самарадорлиги (умумий озиқланиш кўрсаткичи (%))
			Дастлабки оғирлиги	Сўнгги оғирлиги	Сўнгги лой-сувоқсиз оғирлиги	
1	“*Sermit* (20%) сус. к.”	0,001	39,2±0,7	56,4±0,9	11,2±0,3	72,5±1,3
		0,003	41,2±0,7	54,5±0,8	3,2±0,2	92,1±1,5
		0,005	40,8±0,6	53,6±0,7	6,9±0,1	83,2±1,4
2	Назорат	-	38,9±0,5	55,3±0,8	1,2±0,2	96,9±1,7

Эслатма: назоратга нисбатан термитларнинг лой-сувоқ ўраши ва озиқланиш тўғрилиги (n=8, M±m: P<0,001)

Қорақалпоғистон шароитида антропоген-трансформацияланган ҳудудлар ҳисобланган Кегайли тумани, Ичан-қаъла тарихий зиёратгоҳида *Anacanthotermes* (Jacobs.) авлодига мансуб термитларига нисбатан *Sermit* (20%) сус. к., аралашмасидаги заҳарли ем-хўракларнинг 0,001-0,003-0,005% ли концентрацияларининг биологик самарадорлиги ўрганилганда озуқа оғирликларининг дастлабки, сўнгги ва сўнгги лой-сувоқсиз ҳолатлари ҳисобга олинди. Натижада, кимёвий препаратнинг 0,001% ли концентрацияда 39,2±0,7/56,4±0,9/11,2±0,3 кўрсаткичга эга бўлиб, умумий озиқланиш ҳисобидаги биологик самарадорлик 72,5% ни ташкил этди. Ушбу ҳолатлар 0.003% ли концентрацияда 41,2±0,7/54,5±0,8/3,2±0,2; 92,1% 0,005% ли концентрацияда 40,8±0,6/53,6±0,7/6,9±0,1; 83,2%; эканлиги маълум бўлди. Нозарат вариантида 38,9±0,5/55,3±0,8/1,2±0,2; 96,9%, яъни умумий озиқланиш кўрсаткичи энг юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги кузатилди. Хулоса қилганимизда, тажриба давомида 0,003% концентрацияда 92,1% бўлиб термитларнинг заҳарли ем-хўраклар билан озиқланиши юқори бўлганлиги, 0,005% концентрация эса 83,2% бу кўрсаткич паст эканлиги аниқланди, чунки термитлар кимёвий препаратларга таъсирчанглиги юқори эканлиги маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маречек Г.И., Ўзбекистонда иморат зараркунандалари бўлган термитлар ва уларга қарши кураш чоралари. –Ташкент, 1951. 3-29 б.
2. Хамраев А.Ш. ва б. Термитларга карши профилактика ва кураш тадбирий чоралари. -Тошкент: Вақтинчалик услубий қулланма, 2001. 36 б.
3. Хамраев А.Ш. и др. Разработка новой тактики борьбы с термитами - опаснейшими биоразрушителями материалов и сооружений // Углубление интеграции образования науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. Докл. Межд. научно - практ. Конф. -Тошкент, 2003. -С. 79-82.

ЖАНУБИЙ ОРОЛБУЙИ ШАРОИТИДА ҚЎЙЛАРНИНГ ЦЕСТОДАЛАР ФАУНАСИНИ ЎРГАНИШ

[1]Палўаниязова Д.А., [2]Дадаев С.,[3]Каниязов А.Ж.

[1]Таянч-докторант, Қорақалпоғистон давлат университети, Нукус ш.
dilbarpaluaniazova@gmail.com

[2]Тошкент давлат педагогика университети, зоология ва анатомия кафедраси профессори, б.ф.д., Тошкент ш. sdadaev@mail.ru

[3]Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Нукус филиали, Ветеринария ва зооинженерия факультети декани, б.ф.ф.д. (PhD), Нукус ш.

Аннотация. Жанубий Оролбуйи шароитида қўйларда цестода синфга мансуб 7 та тур гельминтлар паразитлик қилиши аниқланди. Тадқиқот давомида қўйларда қайд этилган 7 тур цестодаларнинг барчаси

биогельминтлар ҳисобланади. Шундан 3 та тури личинкалик босқичида ва 4 та тури жинсий вояга етган шаклида паразитлик қилиши аниқланди. Қорақалпоғистон шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйларнинг цестодалар билан зарарланиш даражаси 5,6% дан 11,3% гачани такшил этди.

Калит сўзлар. Жанубий Оролбуйи, гельминт, қўй, цестода, гельминтоз, инвазия экстенсивлиги, инвазия интенсивлиги.

Ключевые слова. Южное Приаралье, гельминт, овца, цестода, гельмитоз, инвазия экстенсивность, инвазия интенсивность.

Кириш. Республикамизда чорвачилик соҳасида қўйчилик ва айниқса қоракўлчилик етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг асосий қисми шу тармоққа тўғри келади, бу эса ушбу тармоқни янада илмий асосда ривожлантиришни тақозо этади. Бунинг учун қўйларни меъёр даражада парваришлаш, тўла қийматли озиқлантириш ҳамда наслчилик ишларини янада яхшилаш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Чорвачилик соҳасида қоракўлчилиқ ва қўйчилик етакчи тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг асосий қисми шу тармоққа тўғри келади, бу эса ушбу тармоқни янада илмий асосда ривожлантиришни тақозо этади. Бунинг учун қўйларни меъёр даражада парваришлаш, тўла қийматли озиқлантириш ҳамда наслчилик ишларини янада яхшилаш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Аммо республикамизда чорвачилик соҳасининг ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатадиган омиллар мавжуд. Шундай омилларга қишлоқ хўжалик ҳайвонларида паразитлик қилиб, уларнинг маҳсулдорлигини пасайтирадиган гельминтозларни киритиш мумкин. Қўйларнинг гельминтозларига ўз вақтида карши профилактик чора-тадбирлар олиб борилмаса, иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўради [Азимов, 2015: 223; Дадаев, 2022: 37; Жумамуратов, 2022:80].

Ишнинг мақсади. Жанубий Оролбуйи шароитида қўйларнинг цестода синфига мансуб гельминтларнинг тур таркибини ўрганишдан иборат.

Материал ва методлар: Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида қўйларнинг гельминтларини ўрганиш мақсадида 2021-2022 йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот иши учун асосан Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли, Қораўзак, Тахтакўпир, Қонғирот, Қонликўл, Амударё Тўрткўл туманларига тегишли чорвачилик фермер хўжаликлари ва шахсий хонадонларга тегишли қўйлардан йиғилди.

Академик К.И. Скрябиннинг тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули билан жами 82 бош қўй (46 боши академик К.И. Скрябиннинг тўлиқ гельминталогик ёриб кўриш усули билан ва 36 бош қўй турли органлари тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усуллари билан) текширилди [Скрябин, 1928:45].

Бундан ташқари қўйлардан 314 та фекалий намуналари олиниб, улар Г.А. Котельников ва бошқа гельминтокопрологик усуллар асосида ўрганилди [Котельников, 1974:240].

Тадқиқот давомида йиғилган материалга камерали ишлов бериш Қорақалпоқ давлат университети биология кафедраси ва Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали Ветеринария медицинаси озиқ-овқат хафсизлиги кафедрасида амалга оширилди. Гельминтлар тур таркибини аниқлашда морфологик белгилари, паразит локализациясига эътибор қоратилди ҳамда тегишли адабиётлардан [Азимов, 2015: 223; Ивашкин, 1989: 255; Капустин, 1953:138; Шульц, 1970:491] фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида қўйлар ўртасида цестода синфига мансуб 7 та тур гельминтлар паразитлик қилишли қайд этилди.

Тадқиқот давомида қўйларда қайд этилган 7 тур цестодаларнинг барчаси биогельминтлар ҳисобланади. Шундан 3 та тури личинкалик босқичида (*Taenia hydatigena (larvae), Multiceps multiceps (larvae), Echinococcus granulosus (larvae)*) ва 4 та тури жинсий вояга етган шаклида паразитлик қилиб, қўйларнинг оғир касалликларига сабаб бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қўйларда аниқланган цестодалар (*Echinococcus granulosus (larvae), Multiceps multiceps (larvae), Gongylonema pulchurum,*) одамларда қайд этилган [Акбаев, 2000:743].

Қўйларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари **-** цестодалар - *Moniezia expansa* (11,3%), *Moniezia benedeni* (7,5%), *Avitellina centripunctata* (5,6%), *Thysaniezia giardi* (5,6%), *Taenia hydatigena (larvae)* (7,5%)*, Multiceps multiceps (larvae)* (9,4%), *Echinococcus granulosus (larvae)* (5,7%).

Қорақалпоғистон шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйларнинг цестодалар билан зарарланиш даражаси 5,6% дан 11,3% гачани такшил этади.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида қўйлар ўртасида цестода снфига мансуб 7 тур гельминтлар паразитлик қилишли қайд этилди.

Қўйларда қайд этилган 7 тур цестодаларнинг барчаси биогельминтлар ҳисобланади. Шундан 3 та тури личинкалик босқичида (*Taenia hydatigena (larvae), Multiceps multiceps (larvae), Echinococcus granulosus (larvae)*) ва 4 та тури жинсий вояга етган шаклида паразитлик қилиб, қўйларнинг оғир касалликларига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Азимов Д.А., Дадаев С.Д., Акрамова Ф.Д., Сапаров К.А. Гельминты жвачных животных Узбекистана. - Ташкент: фан, 2015. - 223 с.

2.Акбаев М.Ш., Водянов А.А. и др.Паразитология и инвазионные болезни животных. – Москва: Колс, 2000. 743 с.

3.Дадаев С., Палўаниязова Д.А. Ўзбекистон шароитида эчкилар (*Capra hircus* L.) гельминтларини ўрганилиш ҳолати // FAN va JAMIYAT. - №3, 2022, - 37-40 б.

4.Жумамуратов Ж.Э., Шакарбоев Э.Б., Каниязов А.Ж., Хосилова Г.А. Ўзбекистон Шимоли-ғарбий худуди уй жуфт туёқли ҳайвонлари гельминтлари тур таркиби. Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси, №9/1, - 2022, - 79-83 б.

5.Ивашкин В.М., Орипов А.О., Сонин М.Д. Определитель гельминтов мелкого рогатого скота. – М., «Наука», 1989. 255 с.

6.Капустин В.Ф. Атлас гельминтов сельскохозяйственных животных. – Москва: Гос. Изд.сельхоз.лит., 1953.-138 с.

7.Котельников Г.А. Диагностика гельминтозов животных. - М.,1974. -240 с.

8.Скрябин К.И. Метод полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. М.: Изд. МГУ, 1928. - 45 с.

9.Шульц Р.С., Гвоздев Е.В. Основы общей гельминтологии. – Москва: Наука, 1970. – Т.1. - 491 с.

ҚАРАҚАЛПАҚСТАННЫҢ СУЎҒАРЫЛАТУҒЫН МАЙДАНЛАРЫНДА ПОМИДОР КОЛЛЕКЦИЯСЫН ҮЙРЕНИЎ

Мадрейимова Д.Е, доцент., Жолымбетова Г.М, 2-курс магистрант
Қарақалпақстан аўыл хожалығы ҳәм агротехнологиялар институты,
Нөкис қаласы, Қарақалпақстан. gulaziyajolimbetova5@gmail.com

Кирисиў. Помидорды көп пайдаланыў ҳәм кеңнен жетистириў — мийўесиниң қурамындағы инсан өмири ушын зәрүр болған витаминлер, минерал дузлар, органикалық кислоталар қурамы менен ажыралып турады. Мийўелериниң қурамында 4,5-8,7 қурғақ зат, 3 процент әтирапында қанд затлары, 1 % белок, сондай-ақ крахмал, клетчатка, майлар, каратиноид, пектин затлары, ферментлер, алкалоидлар ҳәмде аскорбин кислотасы (С витамини) бар.

Овощ егинлери селекциясы сорт ҳәм қоспақлардың жоқары зүрәәтлигине ҳәм кеселликлерге шыдамлылығына, сондай-ақ абиотикалық факторларға, мийўениң товарбаплығына, қайта ислеўге жарамлылығына, мийўениң сақланыў мүддетине ҳәм мийўе қурамындағы минималь нитрат муғдарының топланыўына итибар берген [Буриев, 1999: 225-246; Жученко, 2002: 3-6].

Халықтың овощ егинлерине болған ҳәзирги талабына муўапық жоқары зүрәәтли ҳәм технологиялық (кеселлик ҳәм зыянкеслерге шыдамлы, товарбап, мийўе қурамы сапалы) сорт ҳәм қоспақлар жаратыў керек [Жученко, 1986: 4-30; Пивоваров, 1997: 30-70].

Тәжрийбе орны. Қарақалпақстан аўыл хожалығы ҳәм агротехнологиялар институты эксперименталь тәжрийбе майданында алып барылды.

Тәжрийбе обекти сыпатында ҳәр түрли сорт ҳәм қоспақлар орта шорланған топырақ шараятында сыналмақта. Соның менен бирге тәжрийбеде жергиликли сортлар да егилип салыстырылып үйренилмекте. Коллекция питомникте стандарт үлги сыпатында Султан F_1 ҳәм жергиликли— Волгоград 5/95 ҳәм ТМК-22 сортларын пайдаландық.

Тәжрийбе нәтийжелери. Стандарт сортлар ҳәр 10 сорт үлгилеринен кейин қайталап егилди. Ҳәр бир сорт үлги мийўесиниң товарбаплығы, орташа мийўе салмағы ҳәм мийўелердиң дегустацион баҳалылығы (мазасы) анықланды. Стандарт Волгаград сортына салыстырғанда улыўма зүрәәтликтен жоқары товарбап көрсеткишке ийе болған сорт бул Флора сорты болып, ол 95,3%, қоспақлардан Отранто, Классик, Инкас, Шеди-леди, Солероссо (93-95%), бир қанша төмен көрсеткиште — Авиценна, Амулет, қоспақлардан Скифф , АК-ТОР, Ламантин (87,6-89,0%) сортүлгилери болды.

Стандарт сорт ТМК-22 помидор мийўесиниң көриниси домалақ ҳәм орташа мийўе салмағы 114 граммды қурайды. Трюфель (қызыл) қоспағының мийўе көриниси алмурт тәризли, Золото королева, Засолочное чудо, 22-74, 888 — узыншақ көринисте болады. Олардың мийўе салмағы орташа көлемде болып, орташа бир дана мийўе аўырлығы 64-98 граммды қурады. Коллекцион сорт үлгилери ишинде көпшилиги 120-214 грамм салмаққа ийе болса, бир дана мийўесиниң аўырлығы 213,5 граммды қураған Преднекровский рожевый, Азизона (173,9г), Бахадыр (186,6 г), Рожевый гигант (202,8г), Бороне росса F_1 (175,9г) болды (кесте 1).

Сорт үлгилер ишинде овал тәризли, алмурт тәризли ҳәм узыншақ көриниске ийе болғанлары 3,8-4,4 дегустацион балл яғный онша мазалы емес помидорларға киргизилди. Жоқары дегустацион баллға ийе болған сорт үлгилерине 4,4 - 4,8 балл болып Флора, Хлебосольный, қоспақлардан Бороне росса, Классик, Отранто мийўелериниң көриниси домалақ, қысыңқы домалақ болып келеди.

Кесте 1.

Коллекциялық питомниктеги сорт үлгилериниң товарбаплық сапасы, 2019ж.

Сорт үлгилер	Товарбап мийўе шығымы, %	Мийўениң орташа салмағы, г.	Мийўениң формасы	Дегустацион баҳасы
ТМК-22 ст.	92,8	114,0	Домалақ	4,3
Волгоград 5/95 ст.	88,2	120,4	Домалақ	4,8
Султан F_1 ст.	94,6	166,5	Домалақ	4,5
Авиценна	87,6	130,5	Домалақ	4,4
22-74	94,8	65,5	Узыншақ	4,4
Фларади	91,3	151,1	Домалақ	4,8
Азизона	92,1	173,9	қысылған домалақ	4,8
Модера	92,3	156,8	жүрек тәризли	4,8
888	93,1	76,2	Узыншақ	4,4
Рио гранде	93,4	97,7	домалақ	4,2
Трюфель (қызыл)	90,4	64,7	алмурт тәризли	4,2
Бахадыр	91,8	186,6	қысылған домалақ	4,8

Малиновый виканте	90,4	115,6	Домалақ	4,6
Преднекровский рожевый	93,3	213,5	Домалақ	4,4
Новичок	91,8	75,3	Узыншақ	4,7
Хлебосольный	94,7	112,0	Домалақ	4,8
Тютчев	86,5	124,6	Домалақ	4,8
Флора	95,3	73,5	Домалақ	4,8
Ювелейный тарасенко	94,5	136,6	Домалақ	4,6
Рожевый гигант	83,9	202,7	Домалақ	4,4
Золото королева	88,5	64,6	Узыншақ	4,4
Засолочное чудо	94,0	65,9	Узыншақ	4,2
Амулет	86,5	126,0	Домалақ	4,4
Шеди-леди F_1	95,0	117,2	Домалақ	4,8
Солероссо F_1	93,4	117,1	Домалақ	4,6
Ламантин F_1	89,2	122,5	Домалақ	4,4
Сомма F_1	90,5	76,7	алмурт тәризли	4,0
Отранто F_1	94,7	115,0	Домалақ	4,8
Скифф F_1	87,1	71,1	Узыншақ	4,0
Бороне росса F_1	91,4	175,9	қысылған домалақ	4,8
Цлассик F_1	94,3	146,2	Домалақ	4,8
АК-ТОР F_1	85,2	108,4	овал тәризли	4,0
Инкас F_1	95,5	128,6	қысылған домалақ	4,5
Линда	90,0	68,8	Узыншақ	4,4
Андижан	89,5	136,6	Домалақ	4,6

Демек помидор мийўелери қаншелли ири ҳәм көп тухым уялы болып келсе соншелли мийўеси мазалы дәмге ийе болады деп айта аламыз.

Алып барылған тәжирийбе нәтийжесинде коллекцион сорт үлгилердиң улыўмалық ҳәм товарбаплық зүрәәтлиги анықланды. Стандарт сорт Волгоград 5/95 сортының зүрәәтлиги стандарт сорт ТМК-22 сортына салыстырмалы сезилерли дәрежеде жоқары болды. ТМК-22 помидор сортына салыстырмалы 10 үлги жоқары нәтийжени берди (105,9-118,8%), ал қалған сортүлгилер стандарттан төмен көрсеткишке ийе болды (70,6-100%). Солай етип коллекцион питомникте жоқары өнимдарлы сорт үлгилерден Солероссо, Сомма, Отранто, Линда, сондай-ақ Султан ҳәм Малиновый виканте, Преднекровский рожевый, Фларади, Новичок, Бахадыр. Бул сорт үлгилериниң ҳәммеси стандарт сорт ТМК-22 ден жоқары көрсеткишке ийе болды.

Тәжирийбе жуўмағында коллекцион питомникте жоқары өнимдарлы көрсеткишлерге ийе болған сорт үлгилерге Бороне росса, Классик, Отранто, Инкас сондай-ақ Флора, Тютчев, Хлебосол`ный, Преднекровский рожевый, Малиновый виканте, Ювелейный тарасенко. Бул сорт үлгилериниң ҳәммеси стандарт ТМК-22 ҳәм Волгоград 5/95 сортларынан жоқары көрсеткишлерге ийе болды яғный кеселлениў дәрежеси салыстырмалы төмен болды. Бир

қанша комплекс кеселликлерге шыдамлы сортлардан Певычное королева ҳәм Флора, ал қоспақлардан Солероссо $Ф_1$ ҳәм Линда $Ф_1$ болды.

Әдебиятлар:

1. Буриев Х.Ч. Сабзовот экинлари селекцияси ва уругчилиги. Тошкент: Мехнат, 1999. — б.225-246.
2. Жученко А. А. Адаптивная селекция растений // Селекция продуктивных сортов — М.: Знание. 1986. с. 4-30.
3. Жученко А.А. К проблемам научного обеспечения овощеводства // Картофель и овощи. — Москва, 2002. — №2. — С.3-6.
4. Пивоваров В.Ф., Мамедов М.И., Бочарникова Н.И. Пасленовые культуры: томат, перец, баклажан, физалиб. — Москва, ВНИССОК, 1997. — с. 30-70.

SINTETIK STIMULYATORLAR SINTEZI VA ULARNING XOSSALARI

Yangibayev S., Ravshanova M.M., Raxmatova E.
Navoiy davlat pedagogika instituti, Navoiy sh, O'zbekiston Respublikasi.

Ilmiy ishdan maqsad o'simlik stimulyatorlarni sintez qilish va xossalarini o'rganish. Oxirgi yillarda mamlakatimizda issiqxonalarda (parnik) pomidor yetishtirish va uni eksport qilish keskin rivojlanayapti. Tabiiyki issiqxonalarda pomidor gullaydi, lekin qo'shimcha stimulyatorlarsiz gullarning tuganak hosil qilishi keskin kamayib ketadi. Shuning uchun bunday stimulyatorlarga ham talab oshayapti. Ular asosan Rossiya va Janubiy Koreya respublikasidan import qilinayapti. Demak maqsadimiz import o'rnini bosuvchi bunday stimulyatorlarni mavjud laboratoriya sharoitida sintez qilish va uni amaliyotda sinab ko'rish.

Har bitta o'simlik va hayvonlarning o'sish va rivojlanish jarayonlarini boshqaradigan tabiiy stimulyatorlari mavjud. O'simlik va hayvonlar rivojlanishi uchun barcha sharoitlar yetarli bo'lsagina ularning tabiiy stimulyatorlari ishga tushadi. Ayniqsa o'simliklar rivoji uchun barcha sharoitlar har doim ham yetarli bo'lmaydi, tabiiyki bunday holda stimulyatori ham keragidan kam ishlab chiqiladi. O'simlik stimulyatorlariga geteroauksin ya'ni 3-indolilsirka kislota va gibberellin kislotalari kiradi. Ular yerga sepilgan urug'ning unib chiqishini va tomir hosil bo'lishini, gullardan tuganak hosil bo'lishini, mevalarning pishib yetilishini tezlashtiradi.

Hozirgi vaqtda turli mamlakatlarda ishlab chiqilgan suniy va sintetik preparatlar juda ko'p. Bularga "Tomaton", naftilsirka kislota, sintetik geteroauksin va boshqalar kiradi. Biz shu maqsadda fenoldan fenoksi sirka kislotasini sintez qildik. Ma'lum massadagi fenol (kimyoviy toza) ishqor eritmasida eritilib, unga xlor sirka kislotasi ta'sir ettirildi. Reaksiya suvli muhitda olib borildi. Fenol spirtlardan farq qilib, uning gidroksilidagi (–OH) vodorod atomi spirtlardagi (–OH) gidroksil vodorodidan ancha qo'zg'aluvchan, ya'ni kislotalik protonini(H^+) oson yo'qotadi va

alkoksid ion hosil qiladi. Bu fenolyat ion bimolekulyar nukleofil almashinish (S_N2) reaksiyasiga kirishib oddiy efir (Ar-O-CH_2COOH) hosil qiladi.

$C_6H_5O^-Na^+ + ClCH_2COO^-Na^+ \rightarrow C_6H_5OCH_2COO^-Na^+ + NaCl$


$C_6H_5OCH_2COO^-Na^+ + HCl \rightarrow C_6H_5OCH_2COOH + NaCl$

Fenolyat ion nukleofil zarracha bo'lib, o'zining ikkita elektronini boshqa moddaga beraoladi. Bu reaksiyada alkil galogenid (xlor sirka kislotasi) elektronni olib –O-CH_2R kovalent bog'li oddiy efir bog'ini hosil qiladi. Bu reaksiyada galogenid-ion o'zidan kuchliroq bo'lgan alkoksid anionga almashinadi. Bu reaksiya Vilyamsonning efir sintezi reaksiyasiga kiradi. Bu reaksiya ikkinchi tartibli kinetik reaksiya bo'lganligi uchun, reaksiyaning tezligi va olingan mahsulotning miqdori (reaksiya unumi) boshlang'ich moddalarning konsentratsiyasiga bog'liq. Reaksiya ning tezligi va unumini har ikki molekulalarning (nukleofil+alkilgalogenid) to'qnashishlar soni belgilaydi. Sintez qilingan fenoksi sirka kislota, oq yoki rangsiz cho'kma bo'lib, suvda kam eriydi (eruvchanligi 12 g/l), sirka kislota, dietilefir, spirtlarda yaxshi eriydi. Qayta kristallangani oq ninasimon kristall modda bolib 98°C da suyuqlanadi.

Fenoksi sirka kislotasi juda ko'plab stimulyator va gerbidsidlar olishda oraliq modda hisoblanadi. Uning o'zi ham gribokka qarshi (*Candida albicans u Trichophyton rubrum*) faol modda hisoblanadi.


Olingan fenoksisirka kislotadan p-xlorfenoksisirka kislota olish uchun turli yo'llar bilan xlorlash reaksiyasi o'tkazildi. Reaksiya elektrofil almashinish reaksiyasi bo'lganligi uchun, turli erituvchilar(suv, etanol, xloroform, sirka kislota)da olib borildi. Reaksiya unumiga katalizatorning (Fe) ta'siri va reaksiyaga kirishuvchi moddalar konsentratsiyasi va mol nisbatining ta'siri o'rganildi. Xlorlash uchun kerakli xlorni olish uchun $KMnO_4$+HCI aralashmasi yoki, undan ancha arzonroq turadigan xlorli ohak +HCI aralashmasidan foydalanildi.

Bunda 4-xlorli hosila bilan bir vaqta 2-xlorli-, shuningdek 2,4-dixlorfenoksisirka kislotalari ham hosil bo'ladi.



R=Alk, Ar


Olingan aralashmalardan 4-xlorli hosilani ajratib olish ancha muammoli hisoblanadi.



I

4-xlorfenoksisirka kislota (parfen) fenol hosilalariga kiradigan auksinning sintetik hosilasi hisoblanadi. Ildizi, barglari, gullari va tanasi orqali stimulyator ta'sir qiladi. Bu moddalarni olishda avval fenolni xlorlab unga

xlorsirka kislota ta’sir ettirib ham olindi va olingan mahsulotlar taqqoslab ko’rildi. Bu reaksiyaning sxemasi.



Bunday moddalar pomidor, garmdori va baqlojonlarning o’sish va shakl hosil bo’lish jarayonlarini kuchaytiradi, guldan tuganak hosil bo’lishini tezlashtiradi, uning sifatini va hosildorligini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:
1. Беккер Г. Введение в электронную теорию органических реакций, 1965, с. 435).
2. Malaysian Journal of Analitikal Sciences, Vol 25 No 6(2021):921-929
3. "Phenoxyacetic Acid". Journal of the Chemical Society, Abstracts. 38: 318–319. 1880. doi:10.1039/CA8803800307
4. "Phenoxyacetic acid". The Good Scents Company. Retrieved 2021-02-17.
5. *Freed, V. H.; Chiou, C. T.; Schmedding, D.; Kohnert, R. (1979). "Some physical factors in toxicological assessment tests". Environmental Health Perspectives. 30: 75–80. doi:10.1289/ehp.793075. PMC 1637710. PMID 446460.*

TARINIŃ BIOEKOLOGIYALIQ ÓZGESHELIGI

Sabirov G[1]., Sherimbetova X[2].
Qaraqalpaqstan awıl xojalıǵı hám agrotexnologiyalar institutı docenti[1] hám magistrantı[2]

Regionımızda suw tamtarıslıǵı jildan-jılǵa artıp baratırǵanda qurǵaqshılıqqa shıdamlı hám tez piser eginlerdi egip xalqımızdıń azıq-awqatqa bolǵan talabın qanaatlandırıw búgingi kúnniń aktual máselelerinen biri. Biziń xalqımız burınnan tarını egip, tárbiyalap, egiw múddetlerin durıs jobalastırıp erte pisken eginlerdiń ornına tarını egip mol ónim alıp kelgen.

Tarının` kelip shıg`ıwı Oraylıq Qıtay bolıp, Aziyada da ken` tarqalg`an. Tarı Mongoliya, Avganstan, Hindstan, Kubla Evropa, Rossiya, Gruziya, Armeniya, Qazaqstanda tarqalg`an. O`zbekistanda la`lmi jerlerde de ta`kirar egin sıpatında egilmekte. Tarının’ eki tu’ri bar: a’piwayı tarı (Panicum miliaceum L.) ha’m Italiya tarısı (Setaria italica). A’piwayı tarının’ gu’l toplamı- sipse, italiya tarısında masaq ra’rizli sipse. Tarı ıssılıqtı suyetug`ın o`simlik bolıp tuqımı 8-10^0 ta ko`gerip shıg`adı. Temperatura 12-15^0 bolg`anda na`lleri 5-7 ku`nde ko`gerip shıg`adı. Aldın zarodısh tamırı o`sip shıg`adı ha`m birinshi japırag`ı jer betinde ko`rinedi. 15-25 ku`n o`tkennen keyin pashalaw fazası baslanadı.

Tarı- jaqtılıqtı su’yiwshi, qısqa ku`n o`simligi. Fotosintezdin` en` joqarı o`nimdarlıg`ı da`n payda bolıw ha`m tolıq jetilisiw da`wirlerinde boladı. Jazdın` ekinshi yarımında hawa bultlı bolsa, tarı a`sten rawajlanadı ha`m o`siw da`wiri

sozıladı. Ju`da` qalın` egilse yamasa jabayı sho`p basqan bolsa, tarının o`siwi ha`m rawajlanıwına jaman ta`sir etedi. Ta`kirarlap egilgen` tarının o`siw da`wiri 15-20 ku`nge qısqaradı.Tarı ha`r qıylı o`nimdar, taza topıraqlarg`a egiledi. Topıraq ortalıg`ı pH 6,5-7,5 a`tirapında bolg`anı maqul. O`zbekstannın` lalmi ha`m suwg`arılatug`ın jerlerinde «Saratov-853» sortı egilmekte.

Hawa temperaturası 40-42^{o} bolsa tarı ósiwin toqtatadı, al -3^{o} suwıqta nabıt boladı. Tarınıń ósiw dáwirinde paydalı temperatura jıyındısı 1800-2200^{o} bolıwı kerek. Tarınıń vegetaciya dáwiri 65-110 kún dawam etedi. Tarınıń paqallarınıń mayda túksheler menen qaplanıwı onıń qurǵaqshılıq waqıtları tirishiligin saqlap qalıwına imkániyat beredi. Eger topıraqta ızǵarlıq azaysa tarınıń paqalları hám japıraqları jer bawırlap tóselip ósip, ósiw páti tómenleydi. Topıraq suw menen jeterli dárejede támiyinlengende paqalları tiklenip ósiwin dawam ettiredi. Tarınıń suwdı kóp talap etetuǵın dáwiri buwazlaw hám baslaw dáwiri. Tarı masaq shıǵarǵannan soń 3-5 kúnnen keyin gúlleydi. Gúllew dáwirinde hawa temperaturası ortasha 25-30^{o} bolsa jaqsı ótedi, biraq 15-38^{o} temperaturada da tarınıń gúllewi baqlanǵan. Tarınıń 1 masaǵında ortasha 50-110 dana gúl boladı. 1 gúldiń gúllew múddeti 15-40 minut, al bir masaq 6-15 kún dawamında gúlleydi.

Tarı o`simligi almaslap egiwge talapshan. Tarı bir atızda bir neshe jıl egilse, o`nim keskin kemeyedi. Tarı ushın qolaylı almaslap egiw eginlerine sobıqlı-da`n eginleri (burshaq, nut), sobıqlı sho`pler (jonıshqa), palız eginleri ha`m ju`weri kiredi. Tarı to`ginlerdi de talap etedi. Ortasha 1 ts da`n ha`m tiyisli saban o`nimin jetistiriw ushın 3 kg azot, 1,4 kg fosfor, 3,4 kg kaliy ha`m 1 kg kaltsiy sarıplanadı. Azıqlıq elementlerdi tarı bir tegis o`zlestirmeydi. Ko`geriw-pashalaw fazasında barlıq azıqlıq elementlerdin 7 protsentin o`zlestiredi. Pashalaw-gu`llew fazasında azıqlıq elementlerdin o`zlestiriliwi jedellesedi ha`m bul 65 protsentke jetedi, gu`llew-pisiw fazasında 28-30 protsenti o`zlestiriledi. Tarı gu`llew ha`m da`n tolısıw fazasında azot, kaliy ha`m kaltsiydi ko`p o`zlestiredi.

Tiykarg`ı to`gin beriwde organikalıq ha`m mineral to`ginler qollanıladı. Organikalıq to`gin ta`sirinde o`nim bir qansha artadı. To`ginnin` ta`siri topıraq tu`rine de baylanıslı boladı. Boz topıraqlarda azotlı ha`m fosforlı to`ginlerinin' ta`siri ku`shli. Gu`zde jer aydawdan aldın ortasha 10-12 tonna qıy, 60 kg fosfor ha`m 30 kg kaliy beriw maqsetke muwapıq boladı. Tarı da`ninin` quramında fosfor az boladı. Da`slepki rawajlanıw ushın tuxım menen birge fosforlı to`gin beriw jaqsı natiyje beredi (10-15 kg/ga). O`siw da`wirinde, pashalaw yamasa trubkalaw fazası baslanıwında qosımsha azıqlandırıladı. Bunda 30-50 kg azot ha`m 20-30 kg fosfor jumsaladı.

Egiw ushın aldın tuxım tayarlanıp bunda sipsenin` en` joqarı bo`limindegi hasıldarlı tuxımları tan'lap alınadı. Tuxım tazalanadı, egiletug`ın tuxım bir tegis, ma`mleketlik standartqa (talapqa) juwap beriwi kerek. Birinshi klasstag`ı tuxımnın` tazalıg`ı 99%, ko`geriwshen`ligi keminde 95% bolıwı kerek, ku`ye keselligine qarsı tuxım da`rileniwi lazım.

Egiw dáwirinde temperatura 8^0 tan to`men ha`m 30^0 tan joqarı bolsa, na`li tolıq ko`gerip shıqpaydı. Egiw teren`liktegi temperatura 12-$15^0$ bolg`anında tarının` na`li

tez ku`nde tolıq ko`gerip shıg`adı. La`mli jerlerde aprel-may aylarında egiledi. Suwg`arılatug`ın jerlerde de apreldin aqırında yaki ta`kirar egin sıpatında iyun ha`m iyul ayının` baslarında egiledi. Tarınıń qurǵaqshılıqqa shıdamlılıq dárejesi, bahalılıǵı hám tez piserligi esapqa alınıp Qaraqalpaqstan jaǵdayında onı tákrariy egin sıpatında egiw usınıs etiledi.

ҚЎЙИ АМУДАРЁ ДЕЛЬТАСИ ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

Убайдуллаева Э.А., Жугинисов Т.И., Алимбетов А.А.,
Асеминова Д.Я., Тажетдинов М. М., Қаниязов С.Ж.
Қорақалпоқ давлат университети

Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши натижасида иссиқлик даражасининг ортиши тўқай экотизимининг салбий тамонга ўзгаришига, табиий экотизимларнинг инсоният томонидан ўзлаштирилиши энтомофауна турларининг мослашиши ва уларнинг зарарли кўламининг ошишига олиб келмоқда. Айниқса, табиий экотизимда яйловзорларда зараркунанда ҳашаротлар миқдорининг ортиши тўқай экотизимининг қуришига олиб келиб жиддий зарар келтирмоқда. Шу нуқтай назардан табиий экотизимларда зараркунанда ҳашаротларнинг ўзгарган иқлим шароитида хилма-хиллигини аниқлаш, уларнинг яйловзорларда зарарини баҳолаш ва уларга қарши курашишнингпрофилактик усулларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда табиий экотизимларида яйлов ўринларидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтириш муҳим ҳисобланади, шу нуқтай назардан Орол муоаммоси туфайли иқлим шароитидаги салбий ҳолатларни ҳал этишда, ташқи муҳитнинг экологик ўзгаришларини яхшилаш мақсадида сувсизланиб, қуриқлиқга айланган ўринларни яйловзорларга айлантириш масалалари кўрилмоқда.

Дуньё бўйича антропоген омилларнинг ташқи муҳитга кучли таъсири натижасида атроф-мухитнинг глобал равишда ўзгариши туфайли қуриқлиқ майдонларининг ортиши ҳашаротлар оламининг кенг тарқалишига ва уларнинг зараркунандалик таъсир кўламини ортиб боришига олиб келмоқда.

Қўйи Амударьё дельтаси табиий шароитида доминантлик этувчи *Acmaeoderella* sp., *Buprestis rustica, Trachypteris picta,Xylocopa valga*, *Anobium pertinaxHylotrupes bajulus, Blaps mortisaga,Blaps lethifera*зараркунанда турларининг яйлов ва тўқайзорларида ўт, ярим бута, бута дарахт ўсимликларида кенг тарқалиб жиддий зарарлаши кузатилган. Шунингдек, қуриқлиқ майдонлар ҳашаротлар тоифасига кирувчи капалаклар оиласига (Lepidoptera, Sphingidae) мансуб бражниклар вакиллари табиатда жуда кенг тарқалган бўлиб, улар асосан қуртлик даврида ўсимликларда зараркунандалик ҳолатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳар хил экологик муҳитларда жамоа ҳосил қилиб ҳаёт кечиради. Бражникларнинг 1200 га яқин тури қайд этилган бўлиб, улар барча тропик ва иссиқ мамлакатларда кенг тарқалган. Капалаклар оиласи (Lepidoptera, Sphingidae) мансуб бражниклар вакиллари қуртлик даврида

ўсимлик барглари билан озиқланиб катта талофат келтиради. Бражниклар яйлов ўсимликларининг (шўрадошлар, янтоқ ва чўп ўсимликлари) баргларига катта зарар келтириб чорвачиликда озиқ бирлигининг рационини ўзгаришига ва айрим вақтлари бутунлай йўқ бўлишига олиб келади[1].

Табиатда бражниклар ўсимликлар оламида зараркунандалик хусусияти билан қайд этилган, аммо бирқанча турлари дала шароитида шўрадошларнинг ва заҳарли ўсимлик турларининг кўпайишининг олдини олиб фойдали хусусиятлари билан ҳам кузатилган[2; 3].

Умуман олганда чорвочилик соҳасини ривожлантиришда яйловзорларда зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим масалаларнинг бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Габдуллина А.У. К вопросу изучения фауны жесткокрылых насекомых (Insecta, Coleoptera) Катон-Карагайского ГНПП // Мат. Межд. научной конф. «Биоразнообразие животного мира Казахстана, проблемы сохранения и использования», посвященной 75-летию организации Института зоологии. – Алматы, 2007. - С.11-12.
2. Синадский Ю.В. Вредители тугайных лесов Средней Азии и меры борьбы с ними. – М., 1963. – 147 с.
3. Синадский Ю.В. Вредители и болезни пустынных лесов. – М., 1964. – 114 с.

TERMITLERDIŃ EKOLOGIYADA TUTQAN ORNI

[1]Sulaymanova Nilufar Muxtar qizi [1]Joldasbaeva Saltanat Xojabay qizi
[1]Abdigalieva Aliya Ganiy qizi [1]Baxtıyarova Gúlbanu Timurovna
[2]Amaniyazov Islambek Polatovich

[1]Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogika institutı
Tábiyiy pánleri fakulteti 2-basqısh talabaları
[2]Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogika institutı
stajyor oqıtıwshısı

Termitlar bul aq qumırsqalar (Isoptera) — shıbın-shirkeylerdiń bir túri bolıp esaplanadı. Olardıń 2600 túri bar. Tiykarınan olar tropik hám subtropik mámleketlerde tarqalǵan. Qumırsqalarǵa uqsap bir neshe júzden millionǵa shekem individi birge jámáát bolıp uyalarında jasaydı. Jámáátte ana, áke, jumısshı hám qaraqshı individler bar. Ana termittıń denesi 140 mm,basqalardıki 2—20 mm shekem bolıp 10 jılǵa shekem jasap, ómir boyı 115 mln ǵa shekem máyek qóyadı. Málim dáwirlerde uzın, teń qánaatlı er adam hám urǵashı termitler keyinirek qanatın tastap jiberedi,olarda fasetkali kózleri bar. Basqalarında kóz rawajlanbaǵan yamasa joq. Bular jańa koloniya tiykarlawshileri bolıp tabıladı. Kópshilikligini qanatsız jumısshı termitler (tiykarlanıp, urǵachisi) quraydı. Olar uya qurıw, shańaraqtıń basqa aǵzaların awqatlantırıw wazıypasın atqarıp keledi.Uyasini jer ústine (15 m biyiklikte, sheńberi 20—30 m) yamasa tigine, sonıń menen birge, tereklerge salıwı

múmkin. Ósimliktiń aǵash bólegi menen awqatlanadı. Olar isheginde aǵash kletchatkasin as sińiriw ete alatuǵın ferment ajıratıwshı jipshenleri menen simbioz jasaydı. Qaraqshılardıń jaqları júdá rawajlanǵan bolıp, úyaga biygana shıbın-shirkeylerdi kiritpeydi. 8 túri, atap aytqanda, Orta Aziyada turkiston termiti ushraydı. Termitler imaratlardıń aǵash bólegin buzadı, tropik mámleketlerde bolsa eginlerge de zıyan keltiredi.Olar kóp shańaraqlarda jasaydı, topıraqqa, terek denesine hám túbirlerine uya qóyadı yamasa quramalı injenerlik imaratları - termit tóbeliklerin quradı.Eń úlken termit uyası jerden 13 metr biyiklikke kóterildi. Indiyada pıl sıyaqlı úlken haywan siyatuǵın wayran bolǵan termit uyası tabıldı.Termitlardıń dúnya kóleminde hár jılı keltiretuǵın zıyanı 40 milliard AQSh dolların quraydı. Bul haqqında Zoologiya institutı direktorı Baxıt Xolmatov AOKÁke ótkerilgen brifingda xabarladı.

Ózbekstanda termitlar xalıq turar jayları, tariyxıy -materiallıq ótmishten qalǵan estelikler, social tarawdıń obiektleri hám imaratlardaǵı aǵash -taxta qurılıs materiallarına zıyan keltiredi.Búgingi kúnde respublikamız boylap Ayrıqsha jaǵdaylar ministrligi tárepinen orınlarda zıyanlı termitlarga qarsı gúresiw hám zıyanın kemeytiw boyınsha bir qatar is ilajlar ámelge asırılıp atır.

Atap aytqanda, 2017 jıldıń 14 - 21 iyul kúnleri Qaraqalpaqstan Respublikası, Qashqadárya, Súrxandarya, Samarqand, Nawayi hám Xorezm wálayatlarında kishi hámeldar xızmetler sherikliginde xalıq xojalıqlarınıń termit menen zıyanlanıw jaǵdayın úyreniw, zıyanlanǵan xojalıqlarǵa uwlı zatlı jem-awqatlar ornatıw, sociallıq-ekonomikalıq, tariyxıy hám materiallıq miyras obiektlerinde termit tarqalıwınıń aldın alıw hám de zıyanın kemeytiw boyınsha is ilajlar ámelge asırıldı.Bul ilajlar dawamında 589 xalıq xojalıqları hám 58 ekonomikalıq-sociallıq, 11 materiallıq hám tariyxıy obiektlerde ximiyalıq qayta islew jumısları alıp barılıp, 1257 uwlı zatlı jem-awqatlar ornatildi, 11430 m2 termit tarqalǵan atız hám maydanlarda zıyansizlentiriw jumısları ámelge asırıldı. Ne ushın bizge termitler kerek? degen soraw hámmemizdi qızıqtırsa kerek.Materiallıq-tariyxıy obiektlerde termitlerdıń zıyanına toqtalıp ótetuǵın bolsaq: Mısal ushın, búgingi kúnde respublikamız aymaǵındaǵı Pútkil dúnya materiallıq miyrasları dizimine kiritilgen, YuNESKO qáwipsizligindegi “Ichan-Qorǵan” tariyxıy esteligi hám 33 tariyxıy esteliktiń aǵash naǵıs oyıwshılıǵı islenbelerine termitlar saldamlı dárejede zıyan jetkizgen.Atap aytqanda, Juma meshit muzeyi, Paxlavon Mahmud mazarı, Muhammad Dos hám basqalar termitlardan kúshli zıyanlanǵan. Termiz rayonındaǵı I-III ásirlerge tiyisli Buddaviylik zıyarat oraylarınan biri Fayoztepa ótmishten qalǵan esteligi aymaǵınıń 100% termitlar menen zıyanlanǵan eken. Súrxandaryadaǵı Al Xakim At-Termiziy, Qashqadárya daǵı Xazrati Imom meshiti, Nawayidaǵı Imom Xasan-Xusan zıyarat orayı hám Qaraqalpaqstan Respublikasındaǵı Mizdaxkan kompleksi tariyxıy esteliklerinde termitlarning zıyanlı iskerligi belgilengen.

Húkimetimiz tárepinen termitlardıń zıyanlı iskerligin saplastırıw hám termitlarga qarsı gúres ilajların izbe-iz jolǵa qoyıw maqsetinde ministrler Mákemesiniń Qarar hám Buyrıqları qabıl etilgen. Atap aytqanda : Ministrler

mákemesiniń 2012-jıl 2-fevraldaǵı, “Respublikada termitlarga qarsı gúresiw jumısların jedellestiriw hám olardıń zıyanın jónge salıw haqqında”ǵı 27-sanlı qararı menen Ózbekstan Respublikası Pánler akademiyası Zoologiya institutı janında “Respublika termitlarga qarsı gúresiw orayi” mámleket orayı qáliplestırılgen.
Búgingi kúnge shekem 7 termit shańaraǵı málim:

- Mastotermitidae;
- Termopsidae;
- Hodotermitidae;
- Kalotermitidae;
- Rhinotermitidae;
- Serritermitidae;
- Termitidae.

Termitlar awqatlanıw ádetlerine qaray eki gruppaǵa bólinedi: tómengi termitlar hám joqarı termitlar. Tómen termitler tiykarlanıp aǵash menen azıqlanadı. Aǵashdı sińiriw qılıw qıyın bolǵanlıǵı sebepli, termitlar zammarrıqlar menen zıyanlanǵan otındı jewdı ábzal kóredi, sebebi as sińiriw qılıw ańsatlaw hám zammarrıqlarda belok muǵdarı kóp. Usı waqıtta joqarı termitlar gumus, ot, japıraqlardı óz ishine alǵan hár qıylı materiallar menen azıqlanadı. Tómengi termitlardıń isheklerinde protozoa menen bir qatarda kóplegen bakteriyalar ámeldegi, joqarı termitlarda protozoa bolmaǵan bir neshe túrdegi bakteriyalar bar.

Juwmaqlap aytatuǵın bolsaq shıbın-shirkey termit insaniyat ushın oǵada unamsız áhmiyetke iye, sebebi olar aǵash imaratlardı joq etedi. Termitlardıń ayriqshalıǵı olardıń uglerod hám karbonat angidriddiń global aylanıwına, atmosferada parnik gazlarınıń koncentraciyasına tásiri menen baylanıslı, bul global ıqlım ushın zárúrli bolıp tabıladı. Olar metan gazın kóp muǵdarda shıǵarıwǵa ılayıq. Usınıń menen birge, 43 túrdegi termitlar adamlar tárepinen tutınıw etiledi hám úy haywanlarına beriledi.Búgingi kúnde ilimpazlar populyatsiyani baqlap atır, onıń ushın olar termitlerdıń háreketin baqlawda túrli usıllardan paydalanıp kelmekte.Álbette jer astında jasap atırǵan, názerden jıraq bolǵan termitlarga qarsı gúresiw ushın sarplanıp atırǵan úlken aqshalar tap hawaǵa ushıp ketkendey kóriniwi múmkin. Biraq kózge kórinbes bul armiyanıń múmkinshiliklerine bepisandlik menen qaraw, jetkilikli tárzde baha bermaslik xor-zar aqıbetlerge alıp keliwi múmkin.

Paydalanılǵan ádebiyatlar:

1. Mavlanov. Hayvonlar dunyosi,- T. , 1991. - 250 b.
2. Baxiev E., Xojaniyozov D., Ebinov K. Tábiyatti qorǵaw – Nókis Bilim,1996, - 135 b.
3. Тургенева .А «Жизнь насекомых» , 2011г.

Қорақалпоғистон ҳудудида тарқалган ёввойи чўчқа (*Sus scrofa* Linnaeus, 1758) мониторинги

М.Ш. Торемуратов, б.ф.ф.д., (PhD)
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Нукус ч. Қорақалпоғистон. m.toremuratov@mail.ru

Муҳим ов ресурси бўлмиш ёввойи чўчқа ҳамиша зоологлар ва овчилик мутахассисларининг, ҳамда тадқиқотчиларнинг қизиқишини уйғотган. Бироқ, Қорақалпоғистон Республикасининг критик иқлим шароитида яшовчи ёввойи чўчқалар биологияси ва экологиясининг айрим жиҳатлари ҳозирча номаълум ёки мунозарали бўлиб қолмоқда.

Ёввойи чўчқа овининг оммавийлиги, экологик мослашувчанлигининг юқори бўлиши, сонини тез кўпайтириш қобилияти унинг ов ресурсларининг энг истиқболли турларидан бири сифатидаги аҳамиятини белгилайди. Ёввойи чўчқанинг ов объекти сифатида қиймати турли ҳудудларда сезиларли даражада ўзгаради. Ушбу масалани кўриб чиқиш, яқин ўтмишда ёввойи чўчқа турларининг мавжудлиги учун муҳим иқлим шароитлари туфайли илгари яшамаган ҳудудларда айниқса муҳимдир.


Тадқиқот ишлари 2019-2023 йиллар давомида Устюрт платоси, Қизилқум чўли ва Қуйи Амударё делтаси бўйлаб олиб борилди. Асосан, тадқиқот ишлари умум қабул қилинган биоэкологик тадқиқот методлари: стационар, маршрут ва пиёда юриб ҳисоблаш усуллари билан, визуал кузатиш, ҳайвон излари, фекалийлари, сўқмоқларини ва сонини ҳисобга олиш ишлари “Bushnell” (16x52) дурбини, GPS координаталарини белгилаш “Ҳарбий тактик харита”, “MAPS.ME” ва ГАТ хариталарини тузиш «QGIS» дастурлари асосида амалга оширилди.

Ёввойи чўчқа Марказий Осиёда, Қозоғистон жанубида, Тожикистон, Эрон ва Афғонистонда топилган [Барышников, Тихонов, 2009].

М.А. Жуманов (2017) маълумотлари бўйича, ёввойи чўчқалар хилма-хил жойларда – паст текисликлардаги ўрмонларда, қалин қамишзорлар ва бутазорларда, дарёлар, каналлар ва кўллар бўйларида ва ботқоқларда

тарқалган. Қорақалпоғистон худудида ёввойи чўчқанинг *Sus scrofa nigripes* Blanford, 1875 тури тарқалган, одатда, катта жуссали, очрангда, оёқлари қора рангда [Жуманов, 2017].

Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида ёввойи чўчқалар Қуйи Амударё делтасида, Шимоли-ғарбий Қизилқумдаги табиий кўллар ва артезиан қудуқлар атрофида ва Шимолий Устюрт платосининг чинклари ва Орол денгизи орасидаги ҳудудларда кенг тарқалганлиги аниқланди (1-расм).



Расм. 1. Ёввойи чўчқа популяцияларининг тарқалиш ар●аллари. - учраган жойи.

Шимоли-ғарбий Қизилқум. Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган бу қумликлар бекинган ва кўчманчи барханлардан, ҳамда ёмғир сувлари йиғилиб турадиган текис ясси тақирликлардан иборат Қизилқум чўлининг бир қисмидир. Бу ерлар асосан саксовул, шўра, жузгин, шумгиёқ (цистанхе), сасиқ қоврак ва бута, ярим бута ва эфемер ўсимлик формациялари билан қопланган [Қаипбеков, 2009]. Чўлнинг ҳайвонот дунёси хилма хилдир. Ёввойи жуфт

туёқли ҳайвонлардан жайрон ва чўчқа тарқалган. Асосан ёввойи чўчқалар популяциялари Шимоли-ғарбий Қизилқумда жойлашган табиий кўллар – Хожаберген, Баймурат, Қаламқош, Султан чўпон, Ақпеткей кўллари тизими (2019 йилда 8 бош, 2022 йилда 13 бош, 2023 йилда 15 бош) ва Ақчадарё коллектори (Қитайқазған) бўйларида пайдо бўлган бир нечта катта-кичик кўллар (2020 йилда 12 бош, 2022 йилда 15 бош, 2023 йилда 16 бош), Тоғиз арқан ариғи бўйларидаги қамишзорда (2021 йилда 11 бош, 2022 йил 14 бош, 2023 йилда 14 бош) ва ер остидан қазиб чиқарилган артезиан қудуқ сувлари (Нсан, Тасшоқы) атрофларида пайдо бўлган қамишзорларда тарқалганлиги маълум бўлди (2020 йил 5 бош, 2023 йил 8 бош). Қорақалпоғистоннинг Навоий вилояти билан чегарадош ҳудудларида жойлашган Жарма кўл атрофида ҳам тарқалганлиги аниқланди.

Устюрт платоси. Устюрт ясси тоғининг Қорақалпоғистон қисми асосан гипсли, кулранг-қўнғир тупроқли текисликлардан иборат. Платонинг ўсимлик дунёси хилма-хил бўлиб, саксовул, боялиш, бюргин, сарсазан, шувоқ, шувоқ-шўра ўсимлик формациялари билан қопланган [Қаипбеков, 2009].

Устюрт ясси тоғ усти текисликларида ёввойи чўчқа учрамади. Лекин тадқиқот жараёнида Устюртнинг шарқий чинклари билан Орол денгизи оралиғидаги ҳудудларда ёввойи чўчқа популяцияларининг тарқалганлиги маълум бўлди. Бу ҳолат қўшни Қозоғистон давлати чегарасига яқин жойлашган «Сайгачий» мажъмуа буюртма қўриқхонасига қарашли «Дуана» ҳудудида 2020 йилда 15 бош, 2022 йилда 18 бош учради. Бундан ташқари ушбу ҳудудда ёввойи чўчқа подасининг кўплаб туёқ излари аниқланди. Чинкдан пастга денгиз томонга тушганимизда, эркак ёввойи чўчқа излари ва ётоқ жойлари аниқланди. Ётоқ жойининг ёнида чинк томонга чиқадиган сўқмоқ йўллари кузатилди.

Амударё дельтаси. Дунёнинг энг катта дельталарининг бири – Амударё, Туябўйин сув омборидан бошланиб, икки томанидан Қарақум, Қизилқум ва Устюрт платоси билан ўраб олинган – Орол денгизигача бўлган оралиқ. Бу

ҳудудда жуфт туёқли ёввойи ҳойвонлардан Бухоро буғуси ва ёввойи чўчқа учрайди [Қаипбеков, 2009].

Тадқиқотимиз давомида Амударё тумани “Қуйи – Амударё биосфера резервати”га қарашли Назархан тўқайзор бўлимида ёввойи чўчқанинг тарқалганлиги аниқланди (2020 йилда 6 бош, 2022 йил 9 бош, 2023 йил 8 бош). Улар асосан ўрмон ичкарисида ва дарёга яқин жойларда тарқалганлиги, у ерда ётоқ жойлари ва излари аниқланди. Ундан ташқари Судоче кўлининг атрофларида ва Муйноқ тумани “Шағирли” овул фуқоролар йиғини (ОФИ), “Қаражар” ОФИ (2019 йил 10 бош, 2022 йил 14 бош), Судоче ва Жалтирбас кўллари атрофларидаги қамишзорлар (2020 йилда 12 бош, 2022 йил 17 бош), Қарамиш қўли атрофларида; Қораўзак тумани Кўкдарё, Ашшикўл ёнларида; Бозатаў тумани ҳудудидан ўтувчи Амударёнинг бўйида жойлашган тўқайзорларда, Ержанатау атрофида (2019 йил 6 бош, 2023 йил 9 бош), Суймен ўзан атрофларида ёввойи чўчқалар аниқланди ва фекалий ҳамда излари топилди.

Шуманай туманининг Туркманистон чегарасига яқин жойларида излари аниқланди.

Қанликўл тумани ҳудудига тегишли Давуткўл кўллар тизими қамишзорларида излари ва сўқмоқлари аниқланди. Ундан ташқари шу туман ҳудудида жойлашган “Есберген туба” ва “Киши Есберген” кўлларининг атрофларидан бошлаб Амударёгача бўлган ораликда ёввойи чўчқанинг (2020 йил 7 бош, 2022 йил 8 бош) излари, фекалийлари ва сўқмоқлари аниқланди.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги ўсимликлар дунёси каби, ҳайвонлар олами ҳам хилма-хилдир. Булар орасида ёввойи жуфт туёқли ҳайвонлар катта аҳамиятга эга. Ушбу ҳудудда жуфт туёқли ҳайвонлардан ёввойи чўчқа асосий ов обекти сифатида аҳамиятлидир. Тадқиқот ишлари Шимоли-ғарбий Қизилқум, Қуйи Амударё дельтаси, Устюрт ясси текислиги ва унинг Орол денгизи билан чегарадош тик жарликларида (чинк) ёввойи чўчқа

популяцияларининг учраши ва уларнинг координаталари аниқланди ва ҳозирги замонавий ареали бўйича харитаси тузилди.

Қорақалпоғистоннинг юқоридаги келтирилган ҳудудларида ёввойи чўчқанинг биотопик тарқалиши асосан мавжуд озиқ-овқат ва сув манбаларига боғлиқлиги аниқланди. Ёввойи чўчқанинг яшаш жойлари ҳозирги вақтда унинг тарқалиши учун энг қулай шароитлар: кенг ва қалин дарахтли тўқайзорлар (Амударё дельтаси), қамиш чакалакзорлари (Шимоли-ғарбий Қизилқум) ҳамда бутали ва ярим бутали ўсимликлар (Устюрт платоси) мавжулиги билан ажралиб туради. Келажакда антропоген омиллар – браконьерлик ва бошқа омилларнинг ёввойи чўчқага салбий таъсирларни камайтириш натижасида муҳофаза ишларини кучайтиришни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Барышников Г. Ф., Тихонов А. Н. Млекопитающие фауны России и сопредельных территорий, Копытные. Часть 1: непарнопалые и парнопалые (свиные, кабарговые, оленевые)". Санкт-Петербург.: Наука, 2009. -161 с.

2. Жуманов М.А. Позвоночные животные Южного Приаралья в условиях антропогенной трансформации среды их обитания: автореф. дис… докт. биол. наук. – Ташкент, 2017.- 52 с.

3. Қаипбеков Қ. Қорақолпоғистон фаунаси. Нукус: Қарақалпақстан, 2009. –Б. 158-162.

РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИК ДАВР ТАЛАБИ

С.Т.Санаев – профессор, қ-х.ф.д[1]., И.А.Сапарниязов – қ.х.ф.ф.д., (PhD)[2],

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти[1],

Ажиниёз номидаги НДПИ[2]

Республикамизда сабзавотчиликда ресурстежамкорликни ривожлантиришга, нафақат ички бозорни сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга, балки экспортга йўналтирилган маҳсулот етиштиришга ва валюта тушумини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада аҳолини барча сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга, ноанъанавий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида сервитамин, одам организми учун фойдали биокимёвий элементларга бой маҳсулотлар билан таъминлашда сабзавот (ширин) маккажўхори экини муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг экилаётган майдонлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Сабзавот маккажўхори дони сабзавот сифатида сут пишиш даврида ишлатилиб, бошқа маккажўхорилардан таркибидаги қанд моддаси билан фарқ қилади. Сут пишиш даври 5-6 кун давом этади, сўнг донда қанд камайиб, таъм сифати пасаяди. Сабзавот маккажўхори иссиққа талабчан экин уруғлари 8-10^{0}да уна бошлайди, ўсиши ва ривожланиши учун қулай ҳарорат 20-25^0 ҳисобланади.

Сабзавот (ширин) маккажўхори тупроқда нам камроқ бўлганда яхши ўсади. Сабзавот (ширин) маккажўхори органик моддаларга бой, унумдор тупроқларда яхши ўсиб, юқори ҳосил беради. Шунинг учун кузда тупроққа асосий ишлов беришдан олдин аввал гектарига 30-40 тоннадан органик ўғитлар берилишини талаб этади.

Сабзавот (ширин) маккажўхори Қорақалпоғистон шароитида асосий экин сифатида 10 апрелдан, такрорий экин сифатида 1-июлдан бошлаб экилади, экиш схемаси 70х30 см, экиш чуқурлиги 5-6 см, экиш нормаси гектарига 20-30 кг. Парваришлаш ишлари 3-4 та чинбарг ҳосил бўлганда бир уяда 2 та ўсимлик қолдирилиб ягана қилинади, қатор оралари 2-3 марта юмшатилади, озиқлантирилади ва суғорилади.

Сабзавот (ширин) маккажўхори сўталари сут пишиш даврида рўваги гуллагандан кейин (20-25 кунлари) қўлда, саралаб йиғиб олинади. Агарда 4 кун кечиктирилиб йиғилса, қанд миқдори 2 баробор камайиб крахмал миқдори 57 % га етади. Бизнинг шароитимизда ширин маккажўхори дони тез пишади, сут пишиш даври 2-3 кунгача қисқариши мумкин. Шунинг учун тез йиғиштириб олиниб, дони янгилигича ва консерва ҳолида истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқ.

Ҳар гектардан ишлаб чиқариш шароитида 45-65 центнер ва зиёд дон ҳосили олинади.

Айни вақтда республикамизнинг 45% суғориладиган ер майдонлари турли даражада шўрланишга учраган (agro.uz). Шу билан бирга ҳозирги кунда айрим вақтларда сабзавот экини айни ҳосилга кириш палласида чучук сув танқислиги тез-тез учраб туриши барчамизга сир эмас. Шундан келиб чиқиб шўрланган ва сув танқис худудлар шароитида шўрга чидамли сабзавот экинларидан бири сабзавот (ширин) маккажўхори етиштиришни ва шу йўл орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини имкон қадар қондириб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик, чунки бу бугунги куннинг давр талабидир.

Қарақалпоғистон шароитида аксарият туман ва ҳудудларида сув танқислигини эътиборга олиб, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиб сабзавот (ширин) маккажўхори етиштиришда ундан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида гидрогел моддасидан фойдаландик.

Гидрогел моддаси юқори даражада сувга бўкувчанлик, намликни сақлаш хусусиятига эга бўлиб, кашфиётнинг ижтимоий, иқтисодий самарадорликни оширишдаги имкониятлари катта ва доимийдир. Қуёшли кунларда ердан намлик кўтарилади. Шу даврда гидрогел моддаси қишлоқ хўжалигига, жумладан кам сувли экин майдонлари учун яхши ёрдам беради. Гидрогелдан ресурстежамкор технология сифатида фойдаланган муаллифларнинг илмий-амалий тавсиясига кўра, у ерга буғдой уруғи-дони билан бирга сепилади. Қиш ва баҳор мавсумларида ёққан қор, ёмғирларни ўзига шимиб олади ва иссиқ кунларида ўзидаги намликни чиқариб, ўсимликни сувга бўлган эҳтиёжини, талабини қондиради. 1 грамм гидрогел моддаси ўзида 800-1000 грамм сувни шимиб олишини ҳисобга олсак, бир гектар ерга 35-40 килограмм сепилганда, ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжи таъминланади. Қолаверса, таркибида азотли ўғитлар борлиги туфайли гидрогел моддаси ҳосил унумдорлигини ошириш билан бирга беш йилгача ўз хусусиятини йўқотмаслиги илмий-

амалий тажрибалар асосида аниқланган. Республикамиздаги лалми ерларга сепилса, 45 фоизгача сув тежалишига эришиш мумкин экан. “Ўзкимёсаноат” тасарруфидаги Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида олимлар томонидан яратилган “гидрогел” моддаси минитехнологиялар асосида ишлаб чиқарилмоқда. Гидрогел таркибида азотли ўғитлар бўлиб, ерга салбий таъсири кам деб топилган. У лалмикор ерларга, чўл худудларга буғдой ва бошқа экинлар билан бирга сепилади. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, гидрогелга ўхшаш моддани хориждан олиб келишнинг бир килограмми учун 24-48 доллар сарфланади (масалан Германиядан олиб келиш). Ўзимиздаги хом-ашё қолдиқлардан ишлаб чиқарилганда 4,0-4,5 доллар сарф бўлади.

Тажрибада тадқиқот объекти сифатида сабзавот (ширин) маккажўхорининг Замин ва Мегатон F_1 нав ва дурагайлари ҳамда гидрогел моддаси олинди. Ҳар бир нав ва дурагайлар тўрт такрорда экилди. Делянканинг майдони 56 $м^2$ дан иборат бўлди. Тажриба даласида барча кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва баҳолашлар умум қабул қилинган услублар асосида амалга оширилди.

Тажриба ўтказиладиган дала шудгорланиб, ер уруғ экишга тайёр ҳолатга келтирилиб, 5.07.2018 йилда такрорий экин сифатида сабзавот (ширин) макажўхори уруғлари экилди. Такрорий экинда гидрогелдан фойдаланишимизнинг асосий сабаби кўп йиллардан буён август ойининг охирги ўн кунлигидан октябр ойининг охирларигача пахта, ем хашак ва сабзавот экинларининг пишиб етилиши сабаб чучук сувларга бўлган эҳтиёж сезилмас эди, охирги йилларда бизнинг шароитимизда ҳақиқатдан ҳам сув танқислиги тез-тез учрамоқда. Сабзавот (ширин) маккажўхорининг ҳар бир уруғ экилган сатҳидан 10-14 см чуқурликда бир чой қошиқдан қуруқ кукун ҳолатдаги гидрогель солиб экилди. Шундан сўнг биринчи суғориш амалга оширилди. Кейинги сувни қўйишда суғориш оралиғи узайтирилиб ўтказилди, гидрогель қўлланилган ҳудудларда суғориш сонини камайтирилса ҳам ўсимликларнинг ўсишида сувга бўлган эҳтиёж кузатилмади. Аммо, гидрогель

қўлланилмаган ҳудудларда ўсимликларнинг сувга бўлган эҳтиёжи яққол кўзга ташланди ва уларнинг вегетация даври анча камроқ бўлди. Ўсимлик бўйининг баландлигида ҳам фарқлар вужудга келди. Замин нави оддий усулда экилганда вариантлараро ўсимлик бўйи 156 см дан 159 см гача, ён поялар сони 2,5-2,9 донагача, биринчи сўтанинг жойланиш баландлиги 31,2см дан 32,4 см гача, бир тупдаги сўталар сони 2,9-3,9 донани ташкил этди. Ўртача битта сўтанинг вазни 359,6-394,8 граммгача, 1000 та дон оғирлиги 215,6-244,7 граммгача, ҳосилдорлик гектаридан 411-482 центнергача ўзгарди. Иккинчи вариантда Замин нави гедрогел моддаси қўллаб экилганда эса ўсимлик бўйи 169 см дан 173 см гача, ён поялар сони 2,8-3,1 донагача, биринчи сўтанинг жойланиш баландлиги 32,8 см дан 35,1 см гача, бир тупдаги сўталар сони 3,0-4,0 донани ташкил этди. Ўртача битта сўтанинг вазни 367,3-399,7 граммгача, 1000 та дон оғирлиги 221,2-249,3 граммгача, ҳосилдорлик гектаридан 420-501 центнергача ўзгарди. Megaton F_1 дурагай навида гедрогель моддаси қўлламасдан экилган вариантда ўсимлик бўйи нисбатан пастроқ бўлиб 148 см ни ташкил этди. Гедрогель моддаси қўлланганда эса 13 см га баланд бўлиб, ўсимликлар бўйи ўртача 161 см гача етди. Сўталар сони оддий усулда ўстирилганда 1,8-2,3 донани, гедрогел моддаси қўлланилиб етиштирилганда 3,1-3,4 ташкил этди ва сўталар узунлиги ҳам тегишлича 4-6 см гача фарқ қилди. Умуман олганда тегишлича ён поялар сони 1,6-2,1 донагача, биринчи сўтанинг жойланиш баландлиги 33,8 см дан 34,5 см гача, бир тупдаги сўталар сони 3,1-3,5 донани ташкил этди. Ўртача битта сўтанинг вазни 371,3-389,7 граммгача, 1000 та дон оғирлиги 231,3-239,1 граммгача, ҳосилдорлик гектаридан 441-485 центнергача ўзгарди. Гидрогель қўлланмай ўстирилган ўсимликларда пишиш фазаси анча тез бошлади. Бу табиий ҳол барча ўсимликларга салбий факторлар таъсир этганида тезроқ уруғини шакллантиришга ва пишишга ҳаракат қилади. Тажрибаларимизда гидрогель қўлланилиб экилган ўсимликлар оддий усулда ўстирилганга қараганда анча баланд бўйли, барглар сони кўп, ва ўсимликлардаги сўталар сони кўп, сўтадан дон чиқими юқори бўлди лекин,

уларда кеч ҳосил бўлган сўталари пишиб етилишга улгурмади сабаби бизнинг Қарақалпоғистон шароитида октябр ойининг биринчи ўн кунлигида ҳаво ҳарорати анча пасайиб 0, -1 даражагача тушиб кетди. Бу эса сабзавот (ширин) маккажўхори ўсимлигини ва тўлиқ етилмаган сўталарни совуқдан зарарланишига олиб келди. Энг асосий хусусиятларидан бири оддий усулда экилганларга қараганда, гидрогель моддаси қўлланилган ҳудудларда суғориш миқдори 3-4 мартагача кам бўлди. Бунинг оқибатида гектаридан 2000-2500 $м^3$ гача сув тежалишига имконият яратилди.

Демак, ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида шўрланган тупроқли ерларда ва сув танқис ҳудудларда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиб сабзавот (ширин) маккажўхорини такрорий муддатларда экиш ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, ушбу шароитга мос сабзавот (ширин) маккажўхори нав ва дурагайларини тўғри танлаб гедрогель моддасини қўллаб экиш сув танқис ва шўрланган ҳудудларда ҳам сабзавот (ширин) маккажўхорининг ҳар бир тупидан 2-3 донадан истеъмолга яроқли сўта ёки 450-500 центнергача дон ҳосили ҳамда чорва моллари учун тўйимли озуқа олиш имкониятини берар экан. Бу эса сабзавотлар турини кенгайтиришга, халқимизнинг озиқ овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга, турмуш фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Саламов И.С., Жонибеков Ф.Б. Инновацион технологиялар асосида гидрогелни қўллашнинг иқтисодий самарадорликни оширишдаги имкониятлари. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари: Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-мақолалар тўплами. I-ҚИСМ, 234-237 б. Самарқанд -2016.

2. Саламов И.С., Жонибеков Ф.Б. Ер ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланишда гидрогель моддасининг миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги истиқболлари. “Муносиб меҳнат тамойилларини

Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами.84- 88 б. Тошкент- 2016.

3. Санаев С.Т., Ҳасанова С., Ж. Файзимуродов. Сабзавот маккажўхори навларини такрорий экин сифатида ўстириш технологияси. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишда қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 156-157 б. Самарқанд 2015.

4.Санаев С.Т., Сапарниязов И.А. Сабзавот (ширин) маккажўхори ўстиришда гидрогель моддасини қўллаш. «Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва ветеринария соҳаларида инновацион тадқиқотлар ва уларни ривожлантириш истиқболлари»Илмий-амалий конференция материаллари 126 б. Самарқанд 2019.

UO‘T : 635.632

ERTAGI MUDDATDA OQBOSH KARAM NAV VA DURAGAYLARINING O‘SISHI, RIVOJLANISHI VA HOSILDORLIGI

S.T.Sanaev - q.x.f.d., professor, O.J.Usmatullaev - magistr.,
Samarqand davlat universiteti, Samarqand shahri
sanaev.sobir@mail.ru

Oqbosh karam xo‘jalik-ishlab chiqarish jihatdan karam turlari orasida eng ahamiyatlisi va keng tarqalgan turi hisoblanadi. U karam ekilgan jami maydonning 98-99 % ini, umumiy sabzavot ekinlar maydonining dunyo bo‘yicha 25-30, O‘zbekistonda esa 12-15 % ini egallaydi. Bugungi kunda dunyo bo‘yicha oqbosh karam 2,82 mln. gektardan ortiq maydonda yetishtirilmoqda. O‘rtacha hosildorligi gektaridan 29,4 tonna va yalpi hosil 82,8 mln. tonnani tashkil etmoqda.

Oqbosh karam tarkibida shakar 3,0-5,3 %, oqsil 1,1-2,3%, vitamin C 52,7 mg % ni tashkil qiladi. Umuman olganda Respublikamizda karam ishlab chiqarish aholi ehtiyojini va konserva sanoatini bu xom ashyoga bo‘lgan talabini to‘la qondira olmayapti. Bu esa albatta ekin hosildorligini oshirishni, maydonini kengaytirishni, barcha noqulay sharoitlarga chidamli nav va duragaylarni, to‘g‘ri ekish muddatlarini hamda yuqori hosil olish texnologiyasining asosiy elementlarini ishlab chiqishni talab qiladi.

Oqbosh karam navlarini o‘stirish bo‘yicha dala tajribalari Samarqand viloyati Oqdaryo tumanining o‘tloq bo‘z tuproqlari sharoitida olib borildi. Ertagi oqbosh karam navlarining o‘stirish xususiyatlari, sifat ko‘rsatkichlari, hosildorligi hamda yetishtirishning iqtisodiy samaradorligi o‘rganildi.

Tajribalarini o‘tkazish, ekish, ekinni parvarishlash, hosilni yig‘ish, hisoblashlar, tuproq va o‘simlik namunalarini tahlili Samarqand agroinnovatsiyalar va tadqiqotlar instituti va Sabzavot poliz ekinlari va kartoshkachilik ilmiy-tadqiqot instituti Samarqand ilmiy tajriba stansiyasi ilmiy laboratoriyasida amalga oshirildi. Tajribalarni o‘tkazishda “Sabzavotchilik, polizchilik va kartoshkachilikda tajribalar o‘tkazish metodikasi” (B.J.Azimov., B.B.Azimov. 2002), “Metodika polevogo опыта” (B.A.Dospexov. 1985) uslublaridan foydalanildi.

Samarqand viloyatining Oqdaryo tumani Zarafshon vodiysida joylashgan bo‘lib hududning iqlim sharoitida yuqori harorat, yorug‘lik, quruq va issiq havo haroratining tez-tez o‘zgarib turishi, bu mintaqaning havo sharoitini bahor va kuz fasllarida keskin darajada o‘zgarishiga sabab bo‘ladi. Hudud iqlimining xususiyatlaridan biri yog‘ingarchilik kam bo‘lishi va er yuzasiga quyosh nurlari orqali tushuvchi issiqlik miqdorining yuqoriligidir. Ushbu hududda Oqdaryo va Qoradaryolarning oqib o‘tishi hisobiga sug‘orish manbalari bilan ta’minlangan shu bois mazkur hududda ertagi, o‘rtagi, kechki karam o‘stirishga qulay ekanligini ko‘rsatadi.

Tajribada oqbosh karamning Navruz, Eliza, Kofonet, Burbon F_1, Gregorian F_1, Kandiza F_1kabi nav va duragaylari ekib o‘rganildi.

Karam urug‘lari plyonkali issiqxonaga ertagi ekin uchun 5-6 yanvarda 0,5-1,0 sm chuqurlikda ekildi. Ekilgan urug‘lar 4-5 kun o‘tgach yoppasiga unib chiqdi. Ochiq dalaga ekish uchun tayyorlangan ko‘chatlarning o‘rtacha vazni bir o‘simlikda 22,5 - 25,7 grammni, chinbarglar soni 5,2 - 5,8 donani tashkil etdi. Ko‘chatlar dalaga mart oyining uchinchi kuni o‘tqazildi. Oqbosh karam nav va duragaylarining o‘sishi, rivojlanishi davomida biometrik o‘lchovlar olib borildi. Nav va duragaylararo o‘rtacha bir tup o‘simlikdagi erkin yashil barg soni 14,6-18,4 donani, bargbandi 0,7-

1,2 smni, barg uzunligi 21,7-25,7 sm ni, barg eni 15,2-19,9 sm ni, barg vazni 320-468 gramni tashkil etdi.



1-rasm. Ertagi oqbosh karam nav va duragaylarining tajriba dalasi hamda texnik yetilgan karam boshining ko‘rinishi.

1-jadval

Ertagi muddatda oqbosh karam nav va duragaylarining o‘sishi, rivojlanishi, hosildorligi

T/r	Nav va duragay nomi	O‘rtacha bir tup o‘simlikdagi erkin yashil barg					O‘rtacha bir dona karambosh				Hosildorlik, t/ga
		soni, dona	bandi, sm	uzunligi, sm	eni (diametri) sm	vazni, g	balandligi, sm	eni (diametri) sm	indeksi, sm	vazni, kg	
1.	Navruz(n-t)	14,6	0,8	21,7	15,2	320	14,7	18,2	0,78	1,3	43,6
2.	Eliza	15,7	0,7	22,9	17,4	426	15,9	19,9	0,81	1,5	45,5
3.	Koronet	16,4	0,7	23,7	16,7	442	16,8	19,0	0,73	1,1	42,1
4.	Burbon F_1(n-t)	17,2	1,2	24,6	18,1	450	17,0	20,8	0,82	1,4	45,6
5.	Gregorian F_1	17,8	1,0	24,9	18,9	456	17,8	21,1	0,85	1,7	48,6
6.	Kandiza F_1	18,4	1,0	25,7	19,9	468	17,9	22,7	0,86	2,1	51,4

Tajribada o‘rganilgan nav va duragaylarda o‘rtacha bir dona karam bosh ko‘rsatkichlari ham tahlil qilindi. Shuningdek, o‘rtacha bir dona karambosh balandligi 14,7-17,9 sm ni, eni 18,2-22,7 sm ni, indeksi 0,73-0,86 sm ni, vazni 1,1-2,1 kg ni tashkil qildi.

Tajribalarimizda ekib o‘rganilgan nav va duragaylar orasida serbarg o‘simliklar Kandiza F_1 duragayida qayd etilib, ya’ni eng ko‘p hosil bo‘lgan erkin yashil barg 18,4 donani tashkil qildi. Ushbu barglar bandi 1,0 sm ni, uzunligi 25,7 sm ni, eni 19,9 sm ni, vazni 468 gramni tashkil etdi. Oqbosh karam nav va duragaylari o‘zaro taqqoslanganda barcha ko‘rsatkichlar bo‘yicha navlar orasida Elizanavi, duragaylar orasidan esa Kandiza F_1 duragayi ustunlik qildi.

Demak, xulosalar o‘rnida shuni ta’kidlash lozimki Samarqand viloyatining Oqdaryo tumani o‘tloqi bo‘z tuproqlar sharoitida oqbosh karam nav va duragaylarini ertagi ekin sifatida yetishtirilganda gektaridan 43,6-51,4 tonna hosil olindi. Shuningdek eng yuqori hosildorlik navlar orasida Eliza navida (45,5 t/ga) va duragaylar orasida Kandiza F_1(51,4 t/ga) duragayida qayd etildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1.Amirov B.M. Lukyanets V.N., Kiseleva N.A. Metodicheskie ukazaniya po sortam belokochannoy kapustы.-Alma-ata. Kaynar, 2005

2.Kitaeva E.I., Orlova V.I. Belokochannaya kapusta. -Moskva. Rosselxozizdat. 1980.

3.Ostonaqulov T., Zuev V., Qodirxo‘jaev O. Mevachilik va sabzavotchilik (sabzavotchilik). Toshkent. 2018.

4.O‘zbekiston Respublikasi hududida ekish uchun tavsiya etilgan qishloq xo‘jalik ekinlari davlat reestri. Toshkent.2021.

ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ КАРАКАЛПАКСТАНА НА ПРИМЕРЕ ГАРМАЛЫ ОБЫКНОВЕННОЙ (PEGANUM HARMALA)

Тилеумуратова Бийбиназ Азатовна

Нукусский государственный педагогический институт,

Использование растений для лечения болезней известно с глубокой древности. Еще первобытные люди пользовались «дарами природы» - живой аптекой. Опыт народной медицины имеет место во врачевании у всех народов. Однако в связи с успехами химии, позволяющих получать высокоактивные лекарственные препараты, употребление природных лекарственных средств из трав резко сократилось. Но известно, что лекарственные растения и их препараты оказывают на организм более мягкое воздействие и не вызывают отрицательных побочных явлений и осложнений.

Лекарственные растение – это природные комплексы различно-действующих химических веществ (алкалоидов, гликозидов, эфирных масел и др), оказывающих на организм сложны многогранные действие. Далеко еще не раскрыты неисчерпаемые возможности отечественный флоры в получении оригинальных высокоэффективных лекарственных средств с новым типом действия на организм. В Каракалпакстане лекарственные растения изучены довольно хорошо. На территории Каракалпакстана известны около 360 видов лекарственных растений. Однако, в новых экологических условиях отсутствует информация о полезных свойствах, их химическом составе, распространении, которая отражала бы современное состояние этих вопросов, тормозит привлечение новых видов флоры для использования их в медицине, имеющей значение в промышленности и других отраслях народного хозяйства.

Применение препаратов растительного происхождения является самым древним методом лечения, который оправдал себя и теперь не утратил своего значения. Многие лекарственные растения применяются не только в медицине, но и в парфюмерно-косметической пищевой, ликеро-водочной промышленности. Но в последние годы интерес к лекарственным растениям особенно возрос в связи с новыми методами их использования для лечения и методами изучения их особенностей воздействия. Интерес представляет также изменение ареалов распределения в новых экологических условиях. Особой перспективностью обладает Гармала обыкновенная (Peganum

harmala), первые упоминание можно найти в практиках Авиценны. К сожалению сейчас она не находит должного применения, хотя отличается ценными свойствами, заслуживает внимания, поскольку широко используется в народной медицине. Многолетнее, многостебельное травянистое растение с сильным специфическим запахом высотой 40-50 (70) см. Корень многоглавый, мощный, глубоко проникающий в почву. Стебли ветвистые, извилистые, голые, густолиственные. Листья сидячие, очередные, длиной 4-5 см, дланевидно-рассеченные на 3 обычно повторно-рассеченных сегмента, дольки которых линейные, мясистые. Цветки многочисленные, сидят по 1-3 на верхушках стеблей и ветвей. Чашечка до основания рассеченная на 5 линейных чашелистиков, остающихся при плоде. Венчик из 5 желтоватых лепестков. Тычинок 12-15. Плод-сухая 3-гнездная коробочка до 1 см в поперечнике, содержащая до 100 мелких темно-коричневых трехгранноклиновидных семян. Цветет в мае-июле, плоды созревают в июле-августе. Встречается преимущественно в виде зарослей. Отдельные крупные кусты имеют до 150 стеблей при диаметре кроны 100-150 см. Отрастание и интенсивный рост надземной части происходят в конце марта и в апреле. Бутонизаиия начинается в апреле. Вегетация заканчивается в августе, иногда она продолжается до осенних заморозков.

Гармала обыкновенная (Peganum harmala). На территории Каракалпакстана гармала обыкновенная распространена почти по всем районам. Очень часто образует заросли на песчаных, щебнисто-песчаных и каменисто-щебнистых почвах. Выявлено, что гармаловые ассоциации наиболее продуктивные расположены на песчаных почвах. Южное распространение гармалы обыкновенной проходит от низкогорья Кулатау, проходит через Султануиздаг, пески Нурынтубек, возвышенности Бельтау. Северная граница находится на территории Караузякского района, проходит по возвышенности Кусканатау Чимбайского района. Северо-западная граница начинается от поселка Учсай Мунакского района, проходит через Кунградский район и переходит на Плато Устюрт. Наиболее крупные заросли

сконцентрированы в основном на Плато Устюрт и на склонах возвышенности Султануиздага.

